



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА

# МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ТОШКЕНТ 2024





“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”.

**Шавкат Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	5
1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ .....	6
2. ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТАТИСТИКА .....	12
3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	16
4. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....	24
5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	27
6. АЙРИМ СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР .....	29
7. КОРРУПЦИЯ ХАВФ-ҲАТАРЛАРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН СОҲАЛАРДА “КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА” ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ.....	33
8. АҲОЛИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ.....	41
9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ .....	43
10. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ.....	48
11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР .....	53
12. ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....	59
13. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ .....	63
ХУЛОСА .....	66
ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР.....	68

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза (кейинги ўринларда-Миллий маъруза) янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8<sup>1</sup>-моддасига асосан тайёрланди.

**Миллий маърузанинг мақсади** Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишда **2023 йил**да амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш ҳисобланади.

Миллий маъруза Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) томонидан тайёрланган **учинчи маъруза** ҳисобланади.

Миллий маърузада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар ва комплекс чора-тадбирлар, хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши, соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияга оид жиноятчилик тенденцияси, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти бўйича атрофлича маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтинги, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси натижалари баён этилган.

Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларининг амалга оширилиши, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар энг кўп содир этилаётган соҳалар бўйича таҳлил натижалари, ушбу соҳаларда коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлар тақдим этилган.

Шунингдек, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида истиқболдаги вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича таклифлар шакллантирилган.

Миллий маъруза тузилиши жиҳатдан кириш, **13 та параграф**, хулоса, таклиф ва тавсиялар қисмидан иборат.

Миллий маъруза кенг жамоатчилик, хусусан аҳоли, давлат органлари вакиллари, мустақил экспертлар, рейтинг агентликлари, жамоат фаоллари, олимлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун мўлжалланган.

## 1. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

### Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари:



Давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, давлат органларидаги ортиқча вазифа ва функцияларни оптималлаштириш, “қўл” бошқарувидан “автоматик” бошқарув тизимига ўтиш;



Давлат идоралари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш самардорлигини ошириш;



Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштириш;



Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокини кенгайтириш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш;



Давлат ва жамиятнинг барча соҳа ҳамда тармоқларида коррупция хавф хатарлари даражасини пасайтириш;



Коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш;



Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантириш;



Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириш.

## 2023 йилда коррупцияни олдини олишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелдаги янги таҳрирдаги Конституциясининг **4 та** моддасида коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли нормалар акс эттирилди:

**1** Парламент томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги **миллий маърузани** эшитиш (93-модда);

**2** Олий Мажлиси Сенати томонидан республика коррупцияга қарши курашиш органининг раҳбарини сайлаш (95-модда);

**3** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республика коррупцияга қарши курашиш органининг раҳбарлигига номзод тақдим этиш (109-модда);

**4** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш чора-тадбирларни амалга ошириш (115-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони қабул қилинди.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони белгиланиб, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан қўшимча бошқарув штат бирликларини киритиш қатъиян тақиқланди.

Вазирлик ва идораларда коррупцияга қарши курашиш тузилмаларини мажбурий тартибда ташкил этиш талаби белгиланди.

**Маълумот учун:** Ҳисобот йилида **114 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек банкларда **1477** нафар штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Улар томонидан ўтказилган **4349 та** назорат тадбирларида **342,6 млрд** сўмлик маблағларнинг талон-тороғ қилиниши ва **928,9 млрд** сўмлик молиявий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

3. Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган совға қиймати, шунингдек уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 13 март куни 3425-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган).



Низом билан давлат фуқаролик хизматчиси томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафарлари ва халқаро тадбирларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирларда совға олиш тартиби белгиланди.



Давлат фуқаролик хизматчиси халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совға олиши мумкин. Бироқ, давлат фуқаролик хизматчилари томонидан ўзларининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига ҳар қандай совға олиш тақиқланади.



Совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараварига тенг ёки ундан кўп бўлмаган миқдорда эканлиги аниқланган тақдирда, совға давлат фуқаролик хизматчисидан қолдирилиши ва совғанинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (тўрт) бараваридан ортиқлиги аниқланган тақдирда, молия-иқтисод бўлини маси томонидан давлат органининг балансига кирим қилиниши белгилаб қўйилди.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ–860-сон, 08.08.2023 й) қабул қилинди.

Қонун билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар, шунингдек, коррупцияга қарши экспертиза тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини мониторинг қилиш тартиби ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ва уларнинг лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар белгиланди.

Қонунга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар қуйидагилардан иборат:

1

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

2

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

3

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари;

4

Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва ташкилотлари.



5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонининг 89-мақсадида, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсаткичлар белгиланди:



“Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида **50 поғонага** кўтарилишга эришиш;



Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини **2 баробарга** камайтиришга эришиш;



Давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик **назоратини** тўлақонли жорий қилиш;



**100 фоиз** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупциядан ҳоли қонунчилик тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш услубиёти тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 октябрь куни 3470-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Низом билан Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонунида белгиланган қўйидаги **4 та** йўналишдаги:

**1**

Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи;

**2**

Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи;

**3**

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупцияни келтириб чиқарувчи;

**4**

Назорат-текшириш фаолияти билан боғлиқ бўлган) коррупцияни келтириб чиқарувчи 29 та омилни мисоллар билан аниқлаш бўйича услубиёт тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

---

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати **5 тага (35 тадан 40 тага) кенгайтирилди.**

1.	Худудлар кесимида “Ҳаж” тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг ягона онлайн навбати тўғрисидаги (зиёратга борувчи шахснинг аризаси навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами ва зиёрат тури) маълумотлари.
2.	Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш учун берилган аризалар навбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза навбатга қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлари.
3.	Давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгиловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (низом, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат).
4.	Бўш иш ўринлари (марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида), ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлари.
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлари.

Шунингдек, мазкур Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган **давлат дастури тасдиқланди.** Давлат дастурида **9 та йўналишда 30** банддан иборат вазифалар белгиланди. Жумладан:

I	Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш;
II	Давлат хизмати соҳасида коррупциянинг олдини олиш;
III	Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олиш;
IV	Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олиш;
V	Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

---

<b>VI</b>	Коррупцияга қарши курашишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
<b>VII</b>	Суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш;
<b>VIII</b>	Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;
<b>IX</b>	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтиришга оид муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

## 2. ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТАТИСТИКА


Таҳлилларга кўра, **2023 йилда** республика бўйича судлар томонидан жами **6 535 нафар** шахс (2022 йилда **7 414 нафар** шахс) **коррупцияга оид жиноятлар** учун жиноий **жавобгарликка тортилган** бўлиб, ўтган йилга нисбатан жавобгарликка тортилганлар шахслар сони 879 нафарга ёки 12 фоизга камайган.

Шу каби, **2023 йилда** судлар томонидан айблов ҳукми чиқарилган коррупцияга оид жиноят ишлари сони **4 128 тани** ташкил қилиб, 2022 йилга (**4 607 та**) нисбатан **479 тага** ёки **11 фоизга** камайган.

Жавобгарликка тортилган **6 535 нафар** шахсларнинг **1 299 (1 482)** нафари ёки **20 фоизига** озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

**Изоҳ:** Қолган 2 721 нафар шахсга ахлоқ тузатиш ишлари, 1 076 нафар шахсга озодликни чеклаш, 982 нафар шахсга жарима, 21 нафар шахсга мажбурий жамоат ишлари, 7 нафар шахсга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 53 нафар шахсга шартли ҳукм чиқарилган, 227 нафар шахсга жазо тайинланмаган бўлса, 149 нафар шахс жазодан озод қилинган.

### Коррупцияга оид жиноят содир этган шахслар динамикаси



**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан коррупцияга оид жиноятлар таснифи аниқ белгиланганидан сўнг статистикада 2021 йилда жиноят содир этган шахслар сони кескин ошиши кузатилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

---

Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида, давлат манфаатларига жами **1,4** трлн (2022 йилда **2,04 трлн**) сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланди. Ушбу зарарнинг **745** млрд (**1,1 трлн**) сўми ёки **51 (54)** фоизи қопланган.

Давлат манфаатларига етказилган зарарнинг юқори улуши Андижон (**243 млрд сўм**), Наманган (**194 млрд сўм**), Қашқадарё (**143 млрд сўм**) ва Тошкент вилоятларига (**132 млрд сўм**) тўғри келмоқда.

Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига етказилган зарар 2022 йилга нисбатан **608** млрд сўмга ёки **29** фоизга камайган.

2022-2023 йилларда пора предмети бўлган **7,1** млрд сўм, **345 минг** АҚШ доллари ва **34, 5 минг** Россия рубли (шундан 2023 йилда **3,7** млрд сўм, **87, 3** минг АҚШ доллари ва **34, 5 минг** Россия рубли) миқдоридаги пул маблағлари давлат фойдасига мусодара қилиниши таъминланган.

### Энг кўп содир этилган коррупцияга оид жиноятлар динамикаси

Жиноят тури	2022	2023	Динамика
Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-м)	3670	3587 ↓	- 2 %
Фирибгарлик (168-м)	1162	935 ↓	- 19 %
Пора олиш (210-м)	199	142 ↓	- 28 %
Пора бериш (211-м)	1289	1009 ↓	- 21 %
Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш	254	200 ↓	- 21 %
Мансаб сохтакорлиги	160	101 ↓	- 36 %

**2023 йилда 181** та ҳолатда ишга жойлашиш ҳамда **326 та** ҳолатда банк кредитларини ажратиш билан боғлиқ ҳолатларда коррупцияга оид жиноятлар аниқланган.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг **12 нафари (27)** республика, **319 нафари (270)** вилоят, **5024 нафари (5755)** туман-шаҳар миқёсидаги давлат ташкилотларида фаолият кўрсатган.

Коррупцияга оид жиноятлар 2023 йилда республиканинг **4 та** вилоятида 2022 йилга нисбатан ўсган бўлса, **10 тасида** камайган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Хусусан, коррупцияга оид жиноятлар сони Сурхондарё (**9,9 фоиз**), Андижон (**6,4 фоиз**), Сирдарё (**2,8 фоиз**) ва Навоий вилоятларида (**1,3 фоиз**) ортган.

Жиноятлар таҳлиliga кўра, муқаддам судланган шахсларнинг давлат хизматига қабул қилиниши улар томонидан қайта жиноят содир этилишига имконият яратиб бермоқда, жумладан **2023 йилда 1 146 нафар** муқаддам судланган шахслар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилган бўлиб, уларнинг **566 нафари** муқаддам айнан коррупциявий жиноят учун судланган.

**Коррупцияга оид жиноят учун судланган шахсларнинг  
ҳудудлар кесимида таҳлили**

№	Худуд	Судланган шахслар сони		Фарқи	
		2022	2023	сони	%
1	Сурхондарё	302	332 ↑	30	9,9
2	Андижон	913	971 ↑	58	6,4
3	Сирдарё	459	472 ↑	13	2,8
4	Навоий	311	315 ↑	4	1,3
5	Қорақалпоғистон Республикаси	380	364 ↓	-16	-4,2
6	Жиззах	267	251 ↓	-16	-6,0
7	Фарғона	601	525 ↓	-76	-12,6
8	Хоразм	164	136 ↓	-28	-17,1
9	Тошкент ш.	363	299 ↓	-64	-17,6
10	Наманган	940	767 ↓	-173	-18,4
11	Қашқадарё	1 005	813 ↓	-192	-19,1
12	Тошкент в.	725	580 ↓	-145	-20,0
13	Бухоро	449	338 ↓	-111	-24,7
14	Самарқанд	535	372 ↓	-163	-30,5
	<b>Жамиғ</b>	<b>7 414</b>	<b>6 535</b>	<b>- 879</b>	<b>- 11,9</b>

Коррупцияга оид жиноят ишлари бўйича судланган шахсларнинг  
соҳалар кесимида таҳлили 2023 йил (2022 йил)



**474 (626)**

мактабгача ва мактаб  
таълими



**323 (381)**

банк



**299 (384)**

соғлиқни сақлаш



**250 (227)**

маҳаллий ҳокимликлар



**211 (222)**

ҳуқуқни муҳофаза  
қилувчи органлар



**148 (46)**

газ таъминоти



**116 (68)**

электр тармоқлари



**112 (187)**

олий таълим



**86 (114)**

кадастр



**66 (56)**

бандлик




**59 (93)**

сув таъминоти



**46 (61)**

қишлоқ хўжалиги



**35 (29)**

нодавлат нотижорат  
ташкилотлари



**210 (217)**

хўжалик юритувчи  
субъектлар



### 3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини **бевосита** амалга оширувчи давлат органлари (Агентлик, Бош прокуратура, ДХХ, ИИБ ва Адлия вазирлиги) томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.



Ўзбекистон Республикаси  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

#### Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

##### Норма ижодкорлиги соҳасида

Агентлик томонидан манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда **10 дан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг **4 таси** қабул қилинди.

Турли соҳаларда олиб борилган ўрганишлар натижалари юзасидан **50 та** таҳлилий маълумот тайёрланди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан:

- вазирлик ва идораларга **225 та** тақдимнома киритилди;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **227 та** сўровнома юборилди;
- **23 та** жиноят иши ва 96 та маъмурий иш қўзғатилди;
- **74 нафар** шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Қуйидаги соҳаларда коррупция омиллари таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди:

- давлат харидлари;
- таълим;
- энергетика;
- ер ажратиш;
- давлат органлари очиқлигини таъминлаш.

Давлат харидлари соҳасида ўтказилган ўрганишлар натижасида:

- ✓ **138 та** ҳолатда **110 млрд** сўмлик қонун бузилишларига йўл қўйиб амалга оширилган давлат харидлари бекор қилинди;
- ✓ давлат хизматида фаолият юритаётган **15 нафар** мансабдор шахснинг **20 та** тадбиркорлик субъектида таъсисчи ёки раҳбарлик фаолиятига чек қўйилди.

**Маълумот учун:** 2022 йилда 197 та тақдимнома, 174 та сўровнома юборилган, натижаси бўйича 35 та жиноят иши ва 74 та маъмурий ишлар қўзғатилган, 14 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Давлат харидлари бўйича 119 та ҳолатда 360,9 млрд сўмлик қонун бузилишларига йўл қўйиб амалга оширилган давлат харидлари бекор қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, ушбу соҳаларда коррупцияга қарши **ички назорат тузилмалари** фаолияти самарали ташкил этилмаганлиги, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча **бюрократик тўсиқлар ўрнатилганлиги**, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда **коррупция омилларининг** мавжудлиги, **давлат харидларини** амалга оширишдаги қонунбузилиши ҳолатлари ҳамда **рақамлаштириш** ишларининг етарли даражада эмаслиги коррупция омилларининг сақланиб қолишига сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

**Давлат органларининг очиқлигини** таъминлашга оид мажбуриятларга риоя этилиши масофавий мониторинг тартибид мунтазам ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Хусусан, **93 та** вазирлик ва идоралар расмий веб-сайтлари мониторингдан ўтказилиб, вазирлик ва идораларга очиқликни таъминлаш соҳасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида **44 та** тақдимномалар юборилиши таъминланди.

Натижада вазирлик ва идораларнинг **16 нафар** масъул ходимлари интизомий жавобгарликка тортилиб, **7 нафар** шахс огоҳлантирилди, **5 нафар** шахсга “ҳайфсан” интизомий жазоси қўлланилди ҳамда **4 нафар** шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

2023 йил давомида вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларини ўқитишга қаратилган **10 та** семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда **200 дан ортиқ** соҳа масъул ходимларнинг малакаси оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сон қарорига асосан, Давлат органлари ва ташкилотлари функцияларидаги **коррупция хавф-хатарлари даражасини** баҳолаш тизими йўлга қўйилди.



Баҳолаш натижалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, берилган таклиф ва тавсиялар асосида давлат ташкилотларининг **Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри, Коррупциявий хавф-хатарлар хариталари, Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлари ва коррупциявий хавф-хатар юқори** бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Жаҳон банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Германия ҳамкорлик жамияти, “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти ҳамда хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашишга масъул идоралари билан самарали ҳамкорлик алоқалари янада ривожлантирилди.

**Хорижий ҳамкорлар билан коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди**



Қатар давлати Маъмурий назорат ва очиқлик идораси



Кореянинг Коррупцияга қарши кураш ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича комиссияси



Қатар давлати коррупцияга қарши курашиш ва қонун устуворлиги маркази



Миср Араб Республикаси Маъмурий назорат идораси

**Халқаро тадбирлар (форум, конференция ва маросимлар)**

**16-17 май**

“Давлат идоралари фаолияти очиқлиги бўйича Марказий Осиё давлатлари форуми” (Бухоро)

**2 ноябрь**

Марказий Осиёда БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг амалга оширилишини жадаллаштириш бўйича Минтақавий конференция (Тошкент)

**3 ноябрь**

“III Тошкент халқаро аксилкоррупция форуми” (Тошкент)

**19 декабрь**

Қатар амири томонидан таъсис этилган “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофоти” ни топшириш маросими (Тошкент)

**20 декабрь**

“Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофоти” соҳиблари иштирокидаги “Ҳалоллик чемпионлари форуми” (Тошкент)



## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этишда соғлиқни сақлаш, олий таълим, қурилиш, давлат харидлари ва банк соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаларини амалга оширишда белгиланган чора - тадбирларнинг ижроси таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан:

- ✓ олий таълим соҳасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга **101 та** тақдимнома киритилди;
- ✓ **329 та** ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди, **276 нафар** шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, **99 та** жиноят иши қўзғатилди;
- ✓ давлат харидларининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган **384 та** текширишлар бўйича **2 трлн** сўмлик қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

### Давлат харидлари соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари:

- ✓ харидлар тўғрисидаги маълумотларни **порталга киритмаслик** (709 млрд сўм);
- ✓ **танлов** ва **тендер** ўтказиш **талабларини бузиш** (593 млрд сўм);
- ✓ қонунга зид равишда **тўғридан -тўғри шартнома** тузиш (63 млрд сўм);
- ✓ шартномалар ва техник топшириқларни **экспертизадан ўтказмаслик** (19,4 млрд сўм);
- ✓ **манфаатлар тўқнашувига** йўл қўйиш (11,6 млрд сўм);
- ✓ харид турини **нотўғри танлаш** (6,6 млрд сўм)ни ташкил этмоқда.

### Давлат харидлари соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар:



**275 та** тақдимнома киритилди;



**393 та** жиноят иши қўзғатилди;



**25 та** ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди;



**770 нафар** шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди;



**1 219 нафар** шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан 2023 йилда жами **30 нафар** (2022 йил 68 нафар) шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилди.

Уларнинг **2 нафари**га пул мукофоти, **22 нафари**га ташаккурнома ва **6 нафари**га эсдалик совға топширилди.

Алоҳида соҳаларда коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, шу орқали коррупция омилларини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, соғлиқни сақлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (шу жумладан ободонлаштириш бошқармалари ва ҳоким ёрдамчилари фаолияти), автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш соҳаларида ҳамда давлат органлари ва ташкилотларига ишга қабул қилиш жараёнларида содир этилган коррупциявий жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилиниб, тегишли чора - тадбирлар белгилаш учун Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига **6 та** ахборотлар киритилди.

Бундан ташқари, 2023 йилда **солиқ, банк, соғлиқни сақлаш** тизимида содир этилган **коррупцияга оид** жиноятларнинг сабаб ва шарт - шароитлари таҳлил қилиниб, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида ҳайъат йиғилишларида **танқидий муҳокамалар қилинди** ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган **чора - тадбирлар** тасдиқланди.

#### **Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш натижалари ҳақида маълумот**

- Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон - торож қилиш ҳолатлари бўйича **2 046 та**, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ёки доирасидан четга чиқиш бўйича **333 та**, мансабга совуққонлик билан қараш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги бўйича **342 та**, мансаб сохтакорлиги бўйича **99 та** ва порахўрлик бўйича **85 та** жиноят ишлари қўзғатилди.
- Ноқонуний ҳужжатларга **674 та** протест келтирилди, **711 нафар** шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш** мақсадида жами **9 583 та** тадбирлар, шундан **17 та** конференция, **156 та** семинар ва **2 863 та** давра суҳбати ўтказилган, **1 878 марта** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан **377 та** телевидениеда, **527 та** радио, **172 та** матбуотда ва **802 та** интернет тармоғида чиқишлар қилинди.

Мазкур тадбирларнинг **4 292 таси** иш жойларида, **2 197 таси** яшаш жойларида, **459 таси** ўқув муассасаларида ва **69 таси** тадбиркорлар ўртасида ўтказилди.



## Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан:

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жами **3 996 та** ҳолат аниқланиб, шундан, **3942 та** жиноят ва **54 та** маъмурий ишлар қўзғатилди;

Аниқланган жиноятларнинг **1 382 таси** порахўрлик бўлиб, шундан **395 таси** бевосита давлат идоралари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган пора олиш жинояти ҳисобланади.

- давлат бюджети маблағларини талон - торож қилиш билан боғлиқ **1 520 та** жиноят, **673 та** маъмурий ишлар қўзғатилган бўлиб, давлат ва жамият манфаатларига **977 млрд** сўм зарар етказилганлиги аниқланди;

Давлат харидларида бюджет маблағларини талон-торож қилиш, шу жумладан нархларни сунъий ошириш билан боғлиқ **280 та** жиноят фош этилиб, бюджетга **308,4 млрд** сўм зарар етказилганлиги аниқланган.

- қурилиш соҳасида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида **770 та** ҳолатда талон - торожлик жиноятлари фош этилиб, **283,8 млрд** сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди;

- ёқилғи энергетика соҳасида **217,6 млрд** сўмлик талон-торож билан боғлиқ **1094 та** жиноят иши қўзғатилди.



## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаментининг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари томонидан 2023 йил давомида коррупция ва иқтисодиёт соҳасида содир этилган, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши **2 800 дан ортиқ** жиноятлар аниқланган.

Хусусан, агросаноат комплексида **467 та**, ёқилғи-энергетика комплексида **304 та**, ижтимоий соҳаларда **289 та**, ўрта ва кичик бизнесда **148 та**, назорат идораларида **122 та**, ҳокимият идораларида **80 та**, истеъмол бозорида **58 та**, банк, молия-кредит тизимида **46 та**, саноатда **22 та**, чет эл фирмалари ва қўшма корхоналарида **13 та**, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида **10 та**, суд идораларида **1 та** ва бошқа соҳалардаги **1 300 тага** яқин жиноят аниқланиб, фош этилди.

Мазкур жиноятларнинг аксарияти порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, валюта қоидасини бузиш, қалбаки пул яшаш ва ўтказиш, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини ташкил этган.



Жиноятлар натижасида етказилган **511 млрд 182 млн** сўмлик моддий зарарнинг **249 млрд 548 млн** сўми (45,8 фоиз) ундирилиши таъминланди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган **220 тадан** ортиқ видеоролик ва видеолавҳалар тайёрланиб, ОАВда ҳамда Ички ишлар органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинди.

“9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан “Аксилкоррупция ойлиги” доирасида **10 дан** ортиқ пресс-тадбирлар (брифинг, матбуот анжумани, очиқ эшиклар куни ва бошқалар) ўтказилиши таъминланди.



### Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати

Давлат хавфсизлик хизмати идоралари томонидан 2023 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда **1 290 та** пора олиш вақтида жиноят устида қўлга олиш бўйича фаол тадбир ўтказилиб, уларнинг:

**517 таси** ижро ҳокимияти, макроиқтисодиёт, ташқи иқтисодий ва инвестициявий фаолият, банк-молия, саноат-қурилиш, уй-жой коммунал, ёқилғи-энергетика ва агросаноат;

**221 таси** таълим, ёшлар, спорт ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш, **197 таси** ҳуқуқ-тартибот, назорат ва суд органлари;

**160 таси** соғлиқни сақлаш ва маданият;

**100 таси** транспорт ҳамда **95 таси** божхона қонунчилигини бузиш соҳаларига тўғри келади.





## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий ва **коррупцияга қарши экспертизалардан** ўтказиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг **тартибга солиш таъсирини баҳолашдан** ўтказиш, шунингдек аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, 2023 йилда қонунчилик ҳужжатларини ҳуқуқий ва **коррупцияга қарши экспертизадан** ўтказиш йўналишида **1 979 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, шундан **543 таси** эътирозлар билан қайтарилган.

Шунингдек, мазкур лойиҳаларнинг **359 тасида 571 та** коррупциявий омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқувчиларга таклифлар киритилган.

2023 йилда Адлия вазирлигига келиб тушган лойиҳаларнинг **458 таси** тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилган, натижада **220 дан ортиқ** самарасиз норма лойиҳалардан чиқарилди, **10 та** мажбурий талаб бекор қилинди, **31 та** мажбурий талаб қайта кўриб чиқилди.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини кенг тушунтиришга қаратилган **34 мингдан** ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинди

**821 та** телевидениеда;

**1 499 та** радиода;

**19 645 мартаба** семинар ва давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилди;

**10 276 дан** контентлар веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилди;

**840 та** таҳлилий маълумотлар ва мақолалар газета ва журналларда чоп этилди.

“9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан “Аксилкоррупция ойлиги” доирасида 2023 йилнинг 30 ноябрь куни Адлия вазирлигида “**Очиқ эшиклар куни**” ва матбуот анжумани ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашишни янада тарғиб қилиш мақсадида 2023 йил давомида **6 240 нафар** адлия ходимлари узлуксиз касбий ривожлантириш платформасида ўқитилди.

Адлия вазирлигининг “**YouTube**” интернет тармоғидаги расмий саҳифаси орқали “Қонунчиликдаги янгиликлар” рукнида коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилишга қаратилган видеороликлар жойлаштирилди.

## 4. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 19-моддасида **Давлат бошқаруви соҳасида** коррупциянинг олдини олиш **чора-тадбирлари** сифатида:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;
- давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш каби бир қатор **йўналишлар** белгиланган;
- 2023 йилда мазкур йўналишларнинг ҳар бири бўйича алоҳида эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

**1** Коррупцияга қарши курашиш соҳасида **парламент назоратини** амалга ошириш йўналишида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди:

- Олий Мажлис палаталари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида манфаатлар тўқнашуви ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги Қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, маъқулланди;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаси доирасида таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ахбороти эшитилди, шунингдек **Хоразм** ва **Бухоро** вилоятларида ўрганишлар ўтказилди;
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари томонидан коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислоҳотлар тўғрисида ОАВда 300 дан ортиқ чиқишлар қилинди;

- ☑ Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси томонидан Хоразм ва Тошкент вилоятларида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳудудий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳудуддаги коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди;
- ☑ Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари томонидан оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ **200 дан** ортиқ чиқишлар амалга оширилди, **26 та** тадбир (*2 та халқаро конференция, 3 та учрашув, 8 та муҳокама ва 14 та интервью*) ўтказилди.

**2** Давлат фуқаролик хизматига ишга киришнинг **очиқ танлов** асосида амалга оширилиши тизими такомиллашиб бормоқда.

**Жумладан**, Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона **очиқ портали** (<https://vacancy.args.uz/>) ишга туширилганлиги давлат органларидаги вакант лавозимларга фақатгина танлов орқали ўтган номзодларни тайинлаш имконини бермоқда.

2023 йилда ўтказилган танловларнинг якунига етган **21 842 тасидан 10 033 таси** (46%) малакали ходимлар билан жамланди, **11 809 та** (54%) вакант лавозимларга эса қайта танлов эълон қилинди.

Танловларни ўтказиш **3 босқич**да (*малака талаби бўйича саралаш, тест синовлари ва суҳбат*) ташкил этилиб, танлов ғолиблари коллегия тартибда давлат органлари раҳбарлари бошчилигидаги танлов комиссиялари томонидан аниқланмоқда.

Танлов давомийлиги ўртача 20-25 кун давом этиб, инсон омилини камайтириш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда. Жумладан, тест тизими ҳудудий филиаллар ҳузурида ташкил этилган махсус жиҳозланган **тест марказларида** назорат остида ҳамда интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи тизим асосида ташкил этилган.

Шунингдек, 2023 йил 1 декабрдан тест синовлари тизими такомиллаштирилиб, барча вазирлик ва идоралар учун ягона **“Давлат хизматчиси”** тести жорий этилди, тест синовидан ўтиш 56 балл этиб белгиланиб, ижобий натижага эришган номзодларга тест натижалари **3 ой** давомида автоматик амал қиладиган **“онлайн сертификатлаш”** тизими йўлга қўйилди.

Суҳбат босқичи вазирлик ва идоралар ҳузуридаги танлов комиссияси томонидан номзодларга саволлар тасодиқий танлаш **“Рандом”** дастури орқали берилиб, номзодларни баҳолаш **4 та** мезон асосида, комиссия аъзолари томонидан (1-100 балл тизимда) онлайн тарзда платформа ([vacancy.args.uz](https://vacancy.args.uz)) орқали амалга оширилмоқда ва ғолиб автоматик тартибда аниқланиб, номзоднинг шахсий кабинетига суҳбат натижаси юборилади.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлик мезонлари ишлаб чиқилиб, баҳолаш механизмлари жорий этилди.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизимини рақамлаштириш мақсадида “**samaradorlik.uz**” электрон платформаси ишлаб чиқилди, ҳозирда ушбу платформада Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли қарорлари билан туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тасдиқланиб, баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

**3** Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимликларда ташкил этилган **Одоб-ахлоқ комиссияларининг** 2023 йилдаги фаолияти таҳлил қилинди.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда – давлат органлари) Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан **224 та**, ҳокимликларда **171 та** ишлар кўрилган, **193 нафар** давлат хизматчиларига тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилган, шундан **3 нафари** билан меҳнат шартномаси бекор қилинган, **119 нафари** интизомий жавобгарликка тортилган, **71 нафари** огоҳлантирилган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлилларда аксарият Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти **етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги**, фаолияти давомида **бирорта иш кўрмаганлиги** ҳамда айримларида умуман **Комиссия ташкил этилмаганлиги** маълум бўлди, Хусусан:

☑ давлат органларида ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига қай даражада риоя қилинаётганлигини назорат қилиб бориш белгиланган бўлсада, **31 та** республика бошқарув органларининг марказий аппарати, **14 та** тизим ташкилотлари, **462 та** ҳудудий бўлимлари, **4 та** вилоят ҳокимлиги, **134 та** туман (шаҳар) ҳокимликларининг Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан бирор маротаба комиссия йиғилиши ўтказилмаган ва ишлар кўрилмаган;

☑ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон қарорида одоб-ахлоқ қоидалари талабларининг бузилиши интизомий ва бошқа турдаги **жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланиши** қайд этилган. Бироқ, комиссиялар томонидан **202 та** ҳолатда одоб-ахлоқ қоидалари бузилганлиги ҳолати қайд этилган бўлсада, бирорта **чора қўлланилмаган** (жами кўрилган ишларнинг **52 фоизи**);

☑ Тоғ-кон саноати ва геология, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Спорт вазирликлари, Ўрмон хўжалиги агентлиги ва “Ўзкомназорат” инспекцияси Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан муҳокама қилинган масалалар бўйича бирор-бир **профилактик чоралар кўрилмаган**.

## 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони билан республика даражасидаги барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилишининг **мажбурий тартиби** жорий этилди.

Ҳозирги вақтда **114 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек банкларда **1 477** нафар штат бирлигидан иборат **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолият юритиб келмоқда.



Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини яратиш бўйича методологик асослар ишлаб чиқилди ва тегишли ўқитиш ишлари амалга оширилди

ISO 37001:2016 халқаро стандарт талаблари асосида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини яратиш қаратилган **10 та** ички идоравий ҳужжатлар намунаси ва **4 та** услубий қўлланма ишлаб чиқилди



Ички назорат тузилмалари фаолиятини рақамлаштириш мақсадида «E-Antikor» электрон платформаси ишга туширилди



29 мингдан ортиқ давлат хизматчиси ҳаллолик стандартлари бўйича ўқитилди



Ички назорат тузилмалари томонидан коррупциянинг олдини олишга қаратилган **13 269 та** семинар, давра суҳбатлари ва **14 486 та** тарғибот тадбирлари ўтказилди

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Давлат идораларининг ички назорат тузилмалари томонидан ўтказилган **4 349 та** назорат тадбирларида **342,6 млрд** сўм маблағларни талон-торож қилиш ва **928,9 млрд** сўмлик молиявий қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Шунингдек, **953,4 млрд** сўмлик маблағларнинг ноқонуний сарф этилишининг олди олиниб, **372 млрд** сўмлик ноқонуний харажатларнинг давлат идоралари ҳисобига ундирилиши таъминланди.

Агентлик ва Ҳисоб палатаси томонидан ҳамкорликда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти ўрганилиб, уларнинг самарали ташкил этилиши бўйича услубий кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, ички назорат тузилмаларини ташкил этишда айрим идоралар томонидан **камчиликларга** йўл қўйиб келинмоқда.

Жумладан, ички назорат тизими жорий этилган давлат идораларининг **37 таси**да ташкил этилган 996 та штат бирлигидан 172 таси (17,2 фоиз) вакант бўлса, **6 та** ташкилотнинг **35 нафар** ходимига ўз функцияларидан ташқари қўшимча вазифалар юклатилган.

**52 та** давлат ташкилотининг ички назорат тузилмалари томонидан бирорта ҳам назорат тадбири ўтказилмаган, шундан **21 таси**да профилактика ишлари, **36 таси**да коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва олдини олиш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

*Масалан, Сув хўжалиги, Олий таълим, фан ва инновациялар, Транспорт, Энергетика вазирликлари, Автомобил йўллари ва Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида бирорта ҳам назорат тадбири ўтказилмаган.*

Шунингдек, **13 та** давлат ташкилотида ички назорат тизими самарали ташкил этилмаган, **20 таси**да ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Масалан, Андижон ва Сурхондарё вилоят ҳокимликлари, Ташқи ишлар вазирлиги, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида ички назорат тизимини жорий этишга оид идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган.

Мониторинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни баргараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатма ва тавсиялар юборилган.

Бундан ташқари, Агентлик томонидан коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича **норматив-ҳуқуқий ҳужжат** лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳада ички назорат тузилмалари фаолиятини **ҳуқуқий жиҳатдан** тартибга солиш, уларнинг фаолият самарадорлигини **мониторинг қилиш** ва натижаларини **муҳокама қилиб** бориш, **штатларга** қўйиладиган минимал талабларни белгилаш, ходимларнинг **малақасини ошириш** чора-тадбирлари назарда тутилмоқда.



## 6. АЙРИМ СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Коррупцияга қарши курашувчи органлар ва бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда жамият ҳаётининг турли соҳаларида коррупцияга шарт-шароит яратаётган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар натижалари бўйича коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилиб, рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, дискрецион ваколатларни бекор қилиш бўйича амалий чоралар кўрилди.

### Ҳоким ёрдамчилари фаолияти бўйича

Сўнги вақтларда ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш борасида берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда давлат маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ коррупцияга оид жиноятлар содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

2023 йил давомида ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти билан боғлиқ **69 та** жиноий ҳолат аниқланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган:

**28 нафарига** Жиноят-кодексининг 228-моддаси (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш);

**19 нафарига** Жиноят-кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик);

**17 нафарига** Жиноят-кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш);

**5 нафарига** Жиноят-кодексининг 210-моддаси (пора олиш).

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида, **2023 йил август** ойида Ўзбекистон Республикаси Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ҳисоб палатаси ҳамкорликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда ушбу кредитлар ҳисобига харид қилиш учун маҳсулот ва хизматларни таклиф этувчи “**маркетплейс**” тизими ўрганилди.

Ўрганишлар давомида ҳоким ёрдамчилари ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан **277 та** таъминотчи корхоналар “маркетплейс”да иштирок этиб, уларнинг ҳисобига **202,5 млрд** сўмлик имтиёзли кредитлар келиб тушганлиги маълум бўлди. Натижада **61 нафар** ҳоким ёрдамчиси ишдан бўшатилади, **1 нафарига** жарима белгиланди ва **85 нафар** ҳоким ёрдамчисига “**ҳайфсан**” эълон қилинди.



Шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳоким ёрдамчилари фаолиятида коррупция хавф-хатарларини камайтиришга қаратилган бир қатор **механизмлар** жорий этилди.



“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари” доирасида кредитларни ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси асосида ажратиш жараёнлари (кредитлаш, маҳсулотни танлаш ва етказиб бериш) **oilakredit.uz** электрон платформаси орқали тўлиқ рақамлаштирилди.



Ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолига хизмат кўрсатишда коррупция ҳолатларининг олдини олишни таъминловчи **“Onlayn mahalla”, “Aholi tomorrow”, “Onlayn-bozor”** платформалари ишга туширилди.

### Бизнесда коррупциянинг олдини олиш бўйича

Бизнесда коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳалол рақобат муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

2023 йилда **27 та** назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятида жами **124 минг 123 та** текширув ўтказилган бўлиб, шундан **2 минг 399 таси** (2 фоизи) келишилган ҳолда, қолган **121 минг 724 таси** (98 фоизи) хабардор этилган ҳолда ўтказилган.

Назорат қилувчи органлар томонидан текширувларни келишиш учун киритилган жами **4 минг 703 та** буюртмадан **2 минг 399 таси** (51 фоизи) келишилган ва қолган **2 минг 304 таси** (49 фоизи) текширув ўтказиш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаганлиги сабабли рад этилган.

Тадбиркорлар фаолиятида 2023 йилда амалга оширилган текширувлар сони 2022 йилнинг шу даврига нисбатан **42 минг 914 тага** (26%) камайган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида **3 минг 387 та** таъсир чораси қўлланилган, шундан **33,5 млрд** сўмлик **122 та** даъво аризаси ва шикоятлар тегишли судга киритилган, давлат органлари ва ташкилотларига **113 та** тақдимнома, **49 та** хулоса, **23 та** огоҳнома киритилган ва **3 минг 80 та** маъмурий жазо чораси қўлланилган.

Натижада, судлар томонидан **21,4 млрд** сўмлик даъво тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган ва **79,6 млрд** сўмлик ҳисобланган қарздорлик бекор қилинган (ҳисобдан чиқарилган), **16 та** қарор ҳақиқий эмас деб топилган.

Шунингдек, киритилган тақдимномалар асосида **140 нафар** масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган амалдаги **15 дан** ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки бекор қилиш бўйича чоралар кўрилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292-сон қарори билан:**

- 2024 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, мазкур **кредитлар бўйича фоизлар ва неустойка** ҳисобланиши тўхтатилиши белгиланди;
- камерал солиқ текширувини ўтказишда, солиқ органларининг солиқ тўловчининг ҳудудига кириш, солиқ тўловчининг ҳудудини ва биноларини кўздан кечириш, солиқ тўловчидан ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва уни чақиртириш, **солиқ тўловчининг ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш бўйича ҳуқуқлари** бекор қилинди;
- кичик саноат зоналарида ишлаб чиқариш объектини ишга тушириб, инвестиция мажбуриятларини бажарган тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат бериш белгиланди.

2023 йилда **“Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш хартияси”** бўйича махсус комиссиянинг **2 та** йиғилиши ўтказилди ва **226 та** тадбиркорлик субъекти Хартия аъзолигига қабул қилинди.

2023 йилда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширув ўтказишга махсус гувоҳнома олиш учун **18 та** назорат қилувчи органнинг **502 нафар** мансабдор шахси аттестациядан ўтказилди. Шундан **397 нафар** мансабдор шахсга махсус гувоҳнома берилган, **105 нафар** мансабдор шахсга махсус гувоҳнома бериш рад этилган.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда **коррупция ҳолатларига дуч келиши** ҳолатларини ўрганиш бўйича **2 минг 490 та** тадбиркорлик субъектлари ўртасида **ижтимоий сўровнома** ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра, сўнгги йиллар давомида коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилаётганлиги натижасида аксарият тадбиркорлар коррупциявий ҳолатларга дуч келмаётганликларини маълум қилишган, уларнинг фикрича, сўнгги бир йилда мамлакатимизда коррупция даражаси камайган.

## Бюджет маблағларидан фойдаланишда очиқликни таъминлаш

Ҳисоб палатаси томонидан 2023 йилда **129 та** вазирлик ва идораларнинг бюджет жараёнининг очиқлигига оид маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириб борилиши **мониторинг қилиш орқали масофавий** ўрганилди:

**54 та** биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар;

**36 та** иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар;

**14 та** ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар;

**25 та** давлат мақсадли жамғармалари.

Ўрганиш натижасида **129 та** вазирлик ва идоралардан ҳар чоракда ўртача **25 таси** (19 фоиз) қисман ва **47 таси** (36 фоиз) умуман маълумотларни расмий веб-сайтларида жойлаштираётганлиги маълум бўлди.

Аксарият ҳолларда, **капитал қўйилмалар ҳисобидан** амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси, асосий воситалар хариди билан боғлиқ **давлат харидлари** ҳамда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилган **танловлар** тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилмаган.

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этмаган **7 та** вазирлик ва идоралар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилган.

## 7. КОРРУПЦИЯ ХАВФ-ХАТАРЛАРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН СОҲАЛАРДА “КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА” ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар давом этмоқда.



### Қурилиш соҳасида

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси юзасидан 2022–2023-йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланган.

“Йўл харитаси”да **5 та** йўналиш бўйича **14 та** банддан иборат соҳада коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шаффофликни таъминлаш бўйича **27 та** вазифа белгиланган.

### “Йўл харитаси” ижроси доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Қурилиш ташкилотлари рейтингини аниқлаш мезонлари мақбуллаштирилиб, **60 та** кўрсаткичдан **30 тага** камайтирилди;
- Қурилиш ташкилотлари электрон рейтинги тизимида соҳалар кесимида жами **22,5 мингта** пудрат ташкилотлари киритилган. Шу билан бирга, лойиҳа ташкилотлари электрон рейтинги тизими жорий қилиниб, бугунги кунда ушбу рейтинг тизимида **2 мингдан** ортиқ лойиҳа ташкилотлари киритилган;
- Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тўлиқ электрон шаклга ўтказилди;
- “Шаффоф қурилиш” тизимида “**Экспертиза хулосаларининг ягона реестри**” яратилиб, барча объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари ва экспертиза хулосалари электрон базаси шакллантириб борилмоқда;
- 2023 йилда “**Шаффоф қурилиш**” тизими орқали **27 мингдан** ортиқ объект лойиҳаси экспертизадан ўтказилди;
- Шаҳарсозлик фаолиятини **лицензиялаш электрон шаклга** ўтказилди. 2023 йилда жами **949 та** лицензия ва **25 та** аккредитация гувоҳномалари берилган. 2023 йилда “**Шаффоф қурилиш**” тизимида ўтказилган **50 мингта** электрон тендерлар натижасида **1,8 трлн сўм** пул маблағлари тежаб қолинди;

- ☑ Қурилиш соҳасида давлат назорати такомиллаштирилди ва назорат функциялари кучайтирилди. Объектларда назорат ўрнатиш бўйича **“Қурилиш назорати”** ахборот тизими жорий қилинди. Назорат инспекторлари **300 та** замонавий планшетлар билан таъминланди;
- ☑ Объектларда қурилиш-синов лаборатория ишларини ўз вақтида олиб бориш мақсадида ҳудудий инспекциялар **16 та** замонавий мобил кўчма лабораториялар билан таъминланди;
- ☑ Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш рақамлаштирилган ҳолда **электрон платформа** орқали амалга оширилмоқда;
- ☑ 2023 йилда жами **36 мингта** объект назоратга олинди, ҳудудий инспекциялар томонидан объектларда **111,5 мингдан** ортиқ мониторинг тадбирлари ўтказилди. Натижада, қоидабузарларга **78 мингдан** ортиқ (қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларининг бажарилишида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган) ёзма кўрсатма берилди (пудратчига – 29 663 та, буюртмачига – 26 090 та, лойиҳа ташкилотларига – 22 376 та);
- ☑ Инспекциялар томонидан берилган ёзма кўрсатмалар белгиланган муддатларда ижроси таъминланмаганлиги сабабли жами **7 минг 597 нафар** (2 минг 18 та пудратчи, 4 минг 575 та буюртмачи ва 1 минг 4 та лойиҳа ташкилотлари) мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди;
- ☑ Мастер режаларни ишлаб чиқишда жамоатчилик таклиф ва фикрларини ўрганиб чикувчи **“Менинг маҳаллам”** электрон платформаси (mm.mc.uz) ишга туширилди;  
  
Объектларни рўйхатга олишдан бошлаб, фойдаланишга қабул қилишгача бўлган барча жараёнларни рақамлаштирилган ягона тизим орқали мониторинг қилиш имконини берувчи **“Мақсадли дастурлар мониторинги”** электрон тизими (monitoring.mc.uz) ишлаб чиқилди.

Қурилиш соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишдаги айрим **муаммолар** сақланиб қолмоқда.

Коррупцияга оид жиноятлар сони юқориликча сақланиб қолмоқда, хусусан, тизимда 2023 йилда **458** нафар шахсларга нисбатан **227** та коррупциявий жиноят ишлари судлар томонидан кўриб тамомланган.

Коррупциявий жиноят содир этган 458 нафар шахсларнинг 60 нафари бевосита вазирлик тасарруфидаги идора ва ташкилотлар ходимлари, 44 нафари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходимлари, қолган 354 нафари эса бошқа соҳа ходимлари ёки фуқаролар ҳисобланади.

**Капитал қурилиш соҳасида** содир этилаётган коррупциявий жиноятларнинг келиб чиқишига қурилиш ва таъмирлаш жараёнида пудратчилар билан тил бириктирган ҳолда **қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб маблағларни ўзлаштириш, қонунбузилиши ҳолатларига кўз юмиш ҳамда соҳа ходимларининг ҳуқуқий билими етарли эмаслиги каби** омиллар сабаб бўлмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юритилаётган рейтингларда ҳам Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалигининг натижаларини яхши деб бўлмайди, хусусан коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлиги рейтингида **71 балл** билан **“қониқарли”**, Очиқлик индексида эса **63,9 балл “сарик”** тоифада баҳоланган.

Қурилишга тендер савдоларининг **“Шаффоф қурилиш”** миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказилиши белгиланган бўлсада, айрим вазирликлар, идоралар, вилоят ҳокимиятлари ва буюртмачи ташкилотлар томонидан 2023 йилда **2 трлн сўмлик 147 та** биноларни қуриш ва **таъмирлаш билан боғлиқ** танлов ва тендерлар **etender.uzex.uz** давлат харидлари махсус ахборот порталида **инсон омили** таъсирида амалга оширилган.

Шу билан биргаликда, Қурилиш соҳасида бино ва иншоотларнинг қурилиши жараёни лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш жараёнларида кўплаб коррупциявий омиллар сақланиб қолмоқда.

2023 йилда республика бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан **1 минг 630 та рўйхатдан ўтмаган қурилишлар** аниқланиб, шундан **1 минг 618 тасига** огоҳлантириш хатлари берилган, **125 таси** бўйича судга даъво аризалар киритилган ва **911 таси (55 фоизи)** бўйича маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган.



### Соғлиқни сақлаш соҳасида

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2022 – 2023-йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да **4 та** йўналиш бўйича **31 та** банддан иборат соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг олдини олиш, тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларининг барча босқичида шаффофликни таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган **68 та** вазифа ва топшириқлар белгиланган.

#### “Йўл харитаси” ижроси доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Соғлиқни сақлаш тизимида 2023 йил **“Коррупцияга қарши курашиш йили”** деб эълон қилиниб, коррупция фактлари ҳақида хабар бериш бўйича ишонч телефони ҳамда 1203 қисқа рақамли алоқа (2022-йилда 37 та ва 2023-йилда 20 та мурожаатлар келиб тушган) каналлари ишга туширилди;
- “Ўзбекистонда аксилкоррупция лабораторияси”** лойиҳаси доирасида **“Акушерлик амалиётида ноҳалоллик хавф омилларини баҳолаш”** йўналишида манзилли тадқиқот ўтказилди;

- ☑ Вазирлик тизимида ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат таркиби, вакансиялар, шунингдек ишга жойлашиш учун номзодларга қўйиладиган малака ва бошқа талаблар тўғрисида автоматик тарзда тўпланадиган холис, шаффоф маълумотларни шакллантириш мақсадида **“Е-KADR”** ахборот тизими жорий қилинди;
- ☑ Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг электрон ўқув порталида “Коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали идоравий чора-тадбирлар ташкил этилишини таъминлаш” мавзусида масофавий ўқув курслари ташкил этилиб, ўтган давр мобайнида тизимдаги **300 нафардан** ортиқ масъул ходимлар ўқитилди;
- ☑ Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида ходимларни “Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида ўқитиш дастурига асосан тизимдаги коррупция хавфи юқори бўлган йўналишларда ишловчи **419 нафар** тиббиёт ходимлари ҳар бир ҳудудга чиққан ҳолда ўқитилди;
- ☑ вазирликда масофавий аудитни йўлга қўйиш мақсадида тиббиёт муассасаларида амалга оширилаётган ҳар бир молиявий операцияни кўриш ҳамда назорат қилиш имкониятини берувчи **“Ситуацион марказ”** ташкил қилинди.

Вазирликнинг Ички аудит бўлими ва бошқа тегишли бўлинмаларни жалб қилган ҳолда **62 та** назорат тадбирлари ўтказилиб, қабул қилинган коррупцияга қарши ички тартиб қоидалар бузилганлиги юзасидан жами **142 127 млн** сўмлик **95 та** ҳолатлар аниқланди.

2023 йилда тизим бўйича ўтказилган **53 та** объект бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига **54 312,4 млн** сўмлик ўрганиш материаллари юборилган бўлиб, ўрганишлар давомида **1071,4 млн** сўм қисми тегишли бюджетларга тикланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга **31 та** ўрганиш материаллари юборилган, **33 нафар** ходимга ҳайфсан, **11 нафарига** иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш жазо чоралари белгиланган, **48 нафар** ходимлар эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, **6 нафарига** маъмурий чоралар қўлланилган. Давлат харидларини амалга оширишга масъул бўлган **31 нафар** шахслар интизомий жавобгарликка тортилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга имконият яратиб бераётган бир қатор **муаммолар** сақланиб қолмоқда.

1. Вазирлик тизимида коррупцияга қарши **ички назорат тузилмаси** фаолияти **етарли даражада йўлга қўйилмаган**.

Жумладан, вазирлик марказий аппарати **5 нафар** штат бирлиги асосида ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилиши билан чекланган. Бироқ, вазирликнинг **ҳудудий бошқармалари** ҳамда ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида ушбу тузилма **фаолияти ташкил этилмаган**.

**Маълумот учун:** 1 минг 527 та тиббиёт муассасалари ва 600 мингдан ортиқ ходим фаолияти учун жами **5 нафар** штат бирлигидан иборат ички назорат тузилмаси ташкил этилган.



2. Вазирлик тизимида умумий ҳисобда **1 минг 500 дан ортиқ** тузилманинг мавжудлиги, унинг марказий аппарати етарли технологик ресурслар ва улардан фойдаланиш механизмлари мавжуд эмаслиги сабабли, ходимларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ҳамда уларга иш ҳақларини ҳисоблашда коррупциявий қонунбузилиши ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Таъкидлаш лозимки, тизимда коррупцияга оид жиноятларнинг **асосий қисми** ходимларнинг **иш ҳақларини ўзлаштириш, ишга киритиш ёки иш соатини кўпайтириш, тиббий муолажалар учун пора олиш, давлат харидлари, тиббиёт муассасаларига тегишли мол-мулклар ва бюджет маблағларини ўзлаштириш** каби ҳолатлар билан боғлиқ.

3. Вазирлик тизимидаги тиббиёт муассасалари замонавий бошқарув механизмларига, маркетингнинг сўнгги тамойилларига **асосланмаган** ҳолда, **эскича усул ва йўналиш** бўйича бошқарув тизимини ўзида сақлаб қолмоқда.

Хусусан, барча тиббиёт муассасаларида бошқарув **тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган**, профессионал бошқарув бўйича етарли компетенцияга, шунингдек, молия-иқтисод масалалари бўйича кўникмаларга эга бўлмаган бош шифокорлар зиммасида қолмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, айрим тиббиёт муассасаларида иқтисодий маблағларни жалб этиш, уларни тасарруф этиш билан боғлиқ йўналишларда жиддий муаммоларнинг, ҳаттоки **молиявий қонунбузилиши ҳолатларининг** ҳам келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

4. Бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи **ордерларни тақсимлаш жараёнининг** очиқ ва шаффофлигини таъминлаш борасида тартиб ишлаб чиқилган бўлсада, бироқ ордер бериш тиббиёт муассасалари ва оилавий поликлиникалар томонидан амалга оширилади. Яъни, ушбу тизимни тўлиқ шаффофлаштириш ва инсон омилини максимал даража камайтиришга қаратилган ишлар охиригача етказилмаган.

Бунда, ордер бериш тизими **давлат хизматлари марказларига ўтказилмаганлиги** бу соҳада коррупциявий омилларнинг сақланиб қолинишига шароит яратмоқда.



### Давлат харидлари соҳасида

Давлат харидлари соҳаси самарали давлат бошқарувини ташкил этиш ва мамлакат миқёсида кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири ҳисобланади.

2023 йилда республика миқёсида жами қиймати **253,3 трлн** сўмлик **1,5 млндан ортиқ** давлат харидлари амалга оширилган бўлиб, давлат буюртмачилари томонидан харидларни рақобатли тарзда амалга ошириш натижасида **8,2 трлн** сўм маблағ иқтисод қилинишига эришилган.



Давлат харидлари тизимига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш орқали соҳада кенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида тизимли равишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2024 йил 1 январь ҳолатига келиб, давлат харидлари электрон тизимларида **231 мингта** тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган. Бу эса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **12 фоизга**, яъни **28 мингтага** ошган.

**Давлат харидлари соҳасида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган қуйидаги ижобий ўзгаришлар амалга оширилди:**

- ☑ давлат харидлари соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги Қонунда давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик тамойили белгилаб қўйилди;
- ☑ давлат буюртмачиларига давлат харидларини амалга оширишда **аффилланганлик бўйича маълумотларни тақдим** этиб бориш мажбурияти юклатилди;
- ☑ иштирокчиларнинг аффилланган шахси харид қилиш тартиб-таомилларида битта лотда иштирок этишга ҳақли эмаслиги белгиланди;
- ☑ давлат харидларида **манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш**, аффилланган шахсларни электрон тизим орқали аниқлаш имконияти яратилди;
- ☑ танлаш ва тендер иштирокчилари томонидан коррупцияга йўл қўймаслик тўғрисидаги аризани тақдим этиш бўйича **мажбурий талаб белгиланди**;
- ☑ давлат буюртмачисининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахсларнинг малакасини ошириш мақсадида Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг масофавий таълим платформаси орқали (masofa.tcmf.uz) **6 минг 971 нафар** давлат органлари ходими ҳамда **1 минг 201 нафар** тадбиркор ўқитилиши таъминланди;
- ☑ давлат харидлари буюртмачиларининг шахсий кабинетларида давлат харидлари амалга ошириладиган **товарлар (иш ва хизмат) учун жорий нархларни таққослаш** имконини берувчи модуль ишга туширилди.

Амалга ошириладиган ислохотларга қарамасдан, давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

- **манфаатлар тўқнашуви** ҳамда **аффилланганлик** ҳолатлари мавжуд ҳолда давлат харидларини амалга ошириш;
- давлат харидларини амалга оширишда рақобатли бўлмаган усуллар ёрдамида маҳсулотлар ва хизматларни **қиммат нархларда** харид қилиш;
- давлат буюртмачисининг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан **олдиндан келишилган давлат харидларини** амалга ошириш.



## Олий таълим соҳасида

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси ижроси доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ✓ Олий таълим тизимда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ротация қилиниши лозим бўлган лавозимлар рўйхатини янгилаб бориш тизими жорий этилиб, 2023 йил ўқув йили давомида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилишининг олдини олиш учун олий таълим муассасаларида **148 нафар** ходимларга нисбатан ички ротация қилинди;
- ✓ 2023 йил ўқув йили давомида давлат ОТМларида талабалар ҳамда педагог ходимлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш мавзусида аноним сўров тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда **145 минг нафардан ортиқ** талабалар ва **12,5 минг нафар** профессор-ўқитувчилар иштирок этди;
- ✓ Сўров натижаларига кўра, Одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиб-қоидаларини бузганликлари сабабли **296 нафар** профессор-ўқитувчи ва ходимларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилди, шундан **202 нафарига** “ҳайфсан”, **14 нафарига** ойлик иш ҳақидан 30 фоиз жарима жазоси қўлланилди, **56 нафари** билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди ва қолган **24 нафари** ОТМ раҳбарияти томонидан огоҳлантирилди;
- ✓ Давлат олий таълим муассасаларида “Коррупцияга биргаликда қарши курашамиз”, шиори остида ўтказилган “Энг яхши видеоролик”, “Энг яхши деворий газета” ва “Энг яхши иншо” кўрик танловлари ўтказилди ва бунда **9,5 минг нафарга** яқин талабалар иштирок этишди;
- ✓ Жамиятда коррупциянинг салбий оқибатларини акс эттирувчи **130 та** видеоролик, **224 та** матн кўринишида тайёрланган материаллар вазирлик ва ОТМларнинг расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларига жойлаштирилди;
- ✓ 2023 йилда **240 минг** нафарга яқин талаба-ёшлар (203 305 нафар), профессор-ўқитувчи ва ходимлар (35 755 нафар) иштирокида “Коррупция ва унга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш” мавзусида **3 минг 557 мартаба** профилактик мазмундаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди;
- ✓ Олий таълим муассасаларининг “комплаенс-назорат” бўлинмалари томонидан жами **130 дан** ортиқ ўрганишларда **77 та** (2022 йилда - 37 та) ҳолат бўйича тўпланган маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига тақдим этилди.

Таҳлилларга кўра, олий таълим тизимида **коррупциявий хавфларнинг келиб чиқиши қуйидаги кўринишларда** намоён бўлмоқда:



HEMIS платформасидаги маълумотларни ўзгартириш орқали дарс машғулотларига қатнашмайдиган талабаларни курсдан курсга ўтказиш;



фуқароларни ишга қабул қилишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш;



педагог ходимларнинг ойлик иш ҳақига асоссиз устамалар тайинлаш;



давлат стипендиялари ва бошқа кўрик танловларга тавсия этиш бўйича суҳбат жараёнларида таниш-билишчилик;



давлат харидларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузишда коррупция ҳолатларига йўл қўйиш.

Олий таълим тизимида кузатилаётган коррупциявий омилларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида, юқорида кўрсатилган соҳаларни тўлиқ рақамлаштириш, HEMIS платформасида ҳимоя даражасини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

## 8. АҲОЛИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ

Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимларини ошириш бўйича Агентлик, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида турли ўқув модуллари орқали масофавий ҳамда анъанавий тарзда ўқитиш жараёнлари ташкил этиб келинмоқда.

Хусусан, **Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги** томонидан 2023 йил давомида вазирлик ва идораларнинг марказий ҳамда ҳудудий бошқарув кадрлари, шунингдек, миллий кадрлар захираси ва салоҳиятли кадрлар резервига киритилган номзодлар учун ташкил этилган малака ошириш курсларида **“Коррупцияга қарши курашишга оид давлат сиёсати”**, **“Давлат фуқаролик хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари”**, **“Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш”** ҳамда **“Давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”)ни жорий этиш истиқболлари”** мавзулари бўйича ўқув соатлари жорий этилган.

Ушбу малака ошириш курсларида **4 минг нафардан** ортиқ давлат фуқаролик хизматчилари иштирок этган.

Масалан, **Давлат бошқаруви академиясида** вазирликлар ва идоралар, тижорат банклари ва хўжалик бирлашмаларининг жами **300 нафар** раҳбарлари ҳамда ўринбосарларининг соҳадаги профессионал билим ва кўникмаларини ошириш бўйича **“Давлат бошқарувида қонунийликни мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари ўртасида коррупциянинг олдини олиш, “ҳалоллик вакцинаси”ни жорий қилиш масалалари”** мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

**Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан** прокуратура органларининг барча бўғинлари ҳамда ваколатли давлат органларининг **суриштирув ва тергов тузилмалари ходимлари** малакасини узлуксиз ва изчил равишда ошириш тизими жорий этилди.

Ҳисобот йили давомида ваколатли давлат органларининг жами **9,6 минг нафарга** яқин ходимлари малакаси оширилган бўлиб, уларнинг **9 минг нафардан** ортиғи прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, **100 нафардан** ортиғи ички ишлар органлари, **20 нафардан** ортиғи божхона органлари ходимларини ташкил этади.

Малака ошириш ўқув дастурларига **“Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш”** модули киритилган бўлиб, барча ходимларга коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги долзарб муаммоларни ўргатишга қаратилган билимлар бериб борилган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2023 йилда Академиянинг edu.proacademy.uz ўқув портали орқали **50 дан** ортиқ давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш мавзуларида ташкил этилган **24 та** масофавий шаклдаги қисқа муддатли ўқув курсларида жами **3 минг 735 нафар** ходимлар малакаси оширилди, **2 минг 81 нафар**ига сертификатлар тақдим этилди.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 2023 йилда **8,4 минг нафардан ортиқ** давлат ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида **45 та** семинар, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар ташкил этилди, **30 та** мақолалар чоп этилди, интернет тармоқларида **31 та**, телевидениеда **7 та**, радиода **2 та** чиқишлар амалга оширилди.

**Агентлик томонидан** ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг билим ва малакасини ошириш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, 2023 йилда **700 дан** ортиқ ички назорат тузилмалари масъул ходимлари малакаси оширилди.

Мисол учун, вазирлик ва идораларнинг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда **200 га** яқин ички назорат тузилмалари масъул ходимлари иштирок этди.

Шунингдек, Агентлик ходимлари томонидан коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш мақсадида **100 дан** ортиқ давлат органлари ва ташкилотларига жойига чиққан ҳолда жами **10 минг нафардан** ортиқ ходимлар иштирокида семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан жами **10 минг нафардан** ортиқ ходимларнинг малакаси оширилди:

**4 минг 871 нафар** адлия вазирлиги тизими;

**755 нафар** адвокатлар;

**215 нафар** нотариуслар;

**659 нафар** юридик хизмат ходимлари;

**3 минг 550 нафар** бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари.

**Давлат бошқаруви академияси** томонидан **3 минг 950 нафар** раҳбар ва бошқарув кадрларнинг малакаси оширилди.

2023 йилда умумий ҳисобда **30 минг нафардан** ортиқ давлат хизматчиси “ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича махсус ўқитилган, **20 минг** нафарга яқин ходимлар иштирок этган семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарорига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг 2023 йилдаги фаолияти баҳоланди.

Хусусан, 95 та давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, **42 та** ташкилот фаолияти самарадорлиги “**яхши**” – (81-100 балл), **38 та** ташкилот “**қониқарли**” – (55-80 балл) ва **15 та** ташкилот “**қониқарсиз**” – (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган тизимли камчиликлар таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

**1** Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими доирасида **36 та** давлат ташкилоти илк маротаба, қолган **59 таси** эса такроран баҳолашдан ўтказилган бўлиб, баҳолаш натижаларига кўра, уларнинг **15 таси** “**қониқарсиз**” деб топилган.

Мазкур давлат ташкилотлари томонидан коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмларни жорий этишда сусткашликка йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Сув ҳўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (5 балл), Кинематография агентлиги (5 балл), Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (9 балл), Ёшлар ишлари агентлиги (10 балл) томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича маълумотлар киритилиши таъминланмаган.

Шунингдек, “қониқарсиз” деб топилган **5 та** инспекцияларнинг фаолиятида бевосита назорат тартиби билан боғлиқ коррупция хавфи юқори бўлган функция ва вазифаларни амалга ошириш юклатилган бўлсада, коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари лозим даражада амалга оширилмаган.

Бундан ташқари, такроран баҳолашдан ўтган давлат ташкилотларининг (59 та) баҳолаш натижаларига кўра, **Сурхондарё** (32 балл) ва **Андижон** (48 балл) вилоят ҳокимликлари фаолияти кетма-кет икки йил давомида “**қониқарсиз**” баҳоланган.

**2** “**Қониқарли**” деб топилган **38 та** давлат ташкилоти фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича чоралар амалга оширилган бўлсада, белгиланган тадбирлар ижросини назорат қилиш соҳасида камчиликлар мавжудлиги кузатилган.

Масалан, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириши (59 балл) ва Тошқи меҳнат миграцияси (56 балл) агентликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (57 балл) томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича ташкилотга юклатилган барча функциялар қамраб олинмаган ҳамда лозим даражада баҳолаш ишлари амалга оширилмаган.

Шунингдек, Туризм қўмитаси (80 балл), Сув хўжалиги вазирлиги (66 балл) томонидан коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича тадбирлар бажарилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилмаган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти “қониқарли” деб топилган бошқа идораларда ҳам юқорида кўрсатилган ёки бошқа турдаги камчиликларга йўл қўйилган.

**3** “Яхши” деб топилган **42 та** давлат ташкилоти фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чоралар тизимли равишда амалга оширилган.

Жумладан, коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмларни самарали жорий этиш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, мониторинг ва назорат тадбирларини амалга ошириш, ходимлар ва аҳолини коррупцияга қарши муросасиз руҳда тарбиялашга оид тизимли чоралар кўрилган.

Умуман олганда, рейтинг баҳолаш тизими коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифаларни самарали мониторинг қилиш билан бирга, соҳада соғлом рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда ташкилот раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш имконини берди.

#### Баҳолаш яқунлари бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш белгиланди:

долзарб аҳамиятга эга индикаторларни қўшиш, уларни соддалаштириш ва оптималлаштириш орқали рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

коррупциянинг олдини олиш механизмларини жорий этиш бўйича халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этиш;

рейтинг баҳолаш натижаларига кўра “**яхши**” тоифадаги ташкилотлар ижобий тажрибасини оммалаштириш, “**қониқарли**” тоифадаги ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, “**қониқарсиз**” тоифадаги ташкилотларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш.



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

БАЛЛ	ЯХШИ
94	Тог-кон саноати ва геология вазирлиги
93	Марказий банк
90	«Ўзкимёсаноат» АЖ
90	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
90	«Ўзбекнефтгаз» АЖ
89	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
89	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ
88	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
88	Жиззах вилоят ҳокимлиги
88	“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ
87	“Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ
87	“Халқ банки” АТБ
87	“Пойтахт банк” АЖ
87	“Ўзбекистан Аирвайс” АЖ
86	Рақамли технологиялар вазирлиги
86	Давлат активларини бошқариш агентлиги
86	«Асакабанк» АЖ
85	Адлия вазирлиги
85	Автомобиль йўллари қўмитаси
85	Божхона қўмитаси
84	Статистика агентлиги
84	Фарғона вилоят ҳокимлиги
84	«Микрокредитбанк» АТБ
84	“Ўзбекистан Аирпортс” АЖ
83	Тошкент вилоят ҳокимлиги
83	Наманган вилоят ҳокимлиги
83	“Худудий электр тармоқлари” АЖ
83	«Ўзбектелеком» АК
82	Солиқ қўмитаси
82	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги
82	Энергетика вазирлиги
82	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
82	Сирдарё вилоят ҳокимлиги
82	«Туронбанк» АТБ
82	«Агробанк» АТБ
82	«Ўзавтосаноат» АЖ
82	«Худудгазтаъминот» АЖ
81	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси
81	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
81	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги
81	Ўрмон ҳўжалиги агентлиги
81	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

БАЛЛ	ҚОНИҚАРЛИ
80	Туризм қўмитаси
80	Тошкент шаҳар ҳокимлиги
80	«Ўсуватаъминот» АЖ
80	Олий аттестация комиссияси
79	Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
79	Хоразм вилоят ҳокимлиги
79	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ
78	Самарқанд вилоят ҳокимлиги
77	Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги *
76	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
73	Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси
72	Навоий вилоят ҳокимлиги
72	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ
72	«Ўзагросугурта» АЖ
71	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
71	Кадастр агентлиги
71	Иновацион ривожланиш агентлиги
70	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
69	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ
68	Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш қўмитаси
67	«Ўзтрансгаз» АЖ
66	Сув хўжалиги вазирлиги
65	Маданият вазирлиги
65	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
64	Транспорт вазирлиги
64	Бухоро вилоят ҳокимлиги
64	“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ
63	«Алоқабанк» АТБ
61	«Тошшаҳартрансизмат» АЖ
60	“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ
60	«Ўзбекқўмир» АЖ
59	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги
59	Қашқадарё вилоят ҳокимлиги
59	“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
58	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
57	Иқтисодийёт ва молия вазирлиги
56	Мактабгача таълим агентлиги
56	Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

БАЛЛ	ҚОНИҚАРСИЗ
50	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
48	Андижон вилоят ҳокимлиги
46	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси
39	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси
32	Сурхондарё вилоят ҳокимлиги
28	«Ўзбекивест» экспорт-импорт сугурта компанияси АЖ
27	Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси
23	Топ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси
22	Маданий мерос агентлиги
18	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
16	Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги
10	Ёшлар ишлари агентлиги
9	Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси
5	Кинематография агентлиги
5	Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИҚУЙИДАГИ ТОИФАЛАРГА АЖРАТИЛАДИ

- «Яхши» – 81 баллдан 100 баллгача
- «қониқарли» – 55 баллдан 81 баллгача
- «қониқарсиз» – 55 баллдан паст

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 январдаги "Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-18-сон Фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги негизида Спорт вазирлиги ташкил этилган.

## 10. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармонида мувофиқ, Агентлик томонидан **2023 йил** якунлари бўйича **Очиқлик индекси** шакллантирилди.

I. Иккинчи бор эълон қилинаётган Индексда жами **103 та** (2022 йилда – 86 та) давлат идоралари ва ташкилотлари фаолияти қамраб олинди, **84 та** баҳолаш мезонидан таркиб топган **8 та** индикатор асосида баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра:
<b>31 та</b> давлат органи <b>“яшил”</b> (71-100 балл);
<b>43 таси</b> <b>“сарик”</b> (55-71 балл);
<b>29 таси</b> <b>“қизил”</b> (55 баллдан паст) самарадорлик кўрсаткичларини қайд этган.

Маълумот учун: 2022 йил якунига кўра **15 таси “яшил”, 44 таси “сарик” ва 27 таси “қизил”** самарадорлик кўрсаткичлари билан баҳоланган.

Таҳлилларга кўра, фаолият самарадорлиги **“яшил”** тоифадаги давлат идоралари сони ўтган йилга нисбатан **16 тага** (13 %га) ортган. Эътиборлиси, **2022 йил** якуни бўйича **“қизил”** тоифага киритилган қатор давлат идораларида **кескин ижобий ўсиш** кузатилган.

Мисол учун, **“Ўзсувтаъминот” АЖ - 81 балл** (2022 йилда – 47 балл), **“Туронбанк” АТБ - 78 балл** (2022 йилда 53 балл), **“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ - 77 балл** (2022 йилда 48 балл), **“Худудгазтаъминот” АЖ - 75 балл** (2022 йилда 52 балл) билан ижобий томонга ўсиш кузатилган.

**Очиқлик индексида энг юқори натижа** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги (88 балл), “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ (86 балл), Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (86 балл), “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ (84 балл) ва Хоразм вилояти ҳокимлиги (84 балл) қайд этган.

(Тошкент (69 балл), Бухоро (67 балл), Жиззах (66 балл), Самарқанд (63 балл), Фарғона (57 балл), Сирдарё (57 балл) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар (64 балл) ҳокимликлари **“сарик”**, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё ва Андижон вилоятлари ҳокимликлари 55 баллдан паст кўрсаткич билан **“қизил”** тоифада баҳоланган)



Республика даражасида Маданият ва туризм вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги (26 балл), Тоғ-кон геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси (27 балл), “Пойтахтбанк” АЖ (33 балл) қайд этиб, **“қизил”** тоифада баҳоланган.

**Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) кўмагида  
2 та платформа ишлаб чиқилди:**

очиқлик индексини шакллантиришда инсон омилини қисқартириш ҳамда баҳолаш жараёнларига рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган “Index” платформаси;

давлат хизматчиларини онлайн режимда ўқитишга мўлжалланган “Open Data” электрон платформаси.

Ҳозирда **150 та** давлат идораларнинг **400 дан** ортиқ масъул ходимлари рўйхати шакллантирилиб, платформа орқали уларнинг малакаси оширилмоқда.

Бунинг натижасида, давлат идораларининг фаолияти очиқлиги таъминланди ва фуқаролар олдидаги ҳисобдорлиги янада кучайтирилиб, турли коррупциявий омиллар бартараф этилмоқда.

Мисол учун, **давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ эълон қилиниши натижасида** Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишлар давомида **138 та** ҳолатда йўл қўйилган қонунбузилишлари бартараф этилиб, **110 млрд сўмлик** давлат харидлари бекор қилинган.

Фаолияти очиқлиги ўрганилган **103 та** давлат идорасининг **75 фоизи 2023 йилда** ўз фаолиятига оид ҳисоботларни очиқ эълон қилиб, жамоатчилик иштирокида муҳокама қилган.

Барча давлат органлари ва ташкилотларида очиқликни таъминлашга **масъул ходимлар** бириктирилиб, доимий равишда уларнинг **малакасини ошириш** тизими яратилди.

**Ўтказилган ўрганишларга кўра**, сусткашликка йўл қўйилган аксарият давлат идораларида очиқ маълумотларни эълон қилишда тизимли ишлар йўлга қўйилмаган.

Мисол учун, очиқ маълумотларни шакллантириш ва эълон қилиш учун масъуллар бириктирилмаган, эълон қилиш муддатлари, шакллари ва бошқа ташкилий жиҳатларни тартибга солувчи ички идоравий ҳужжатлар тасдиқланмаган.

Шу мақсадда, Агентлик томонидан очиқ маълумотларни ўз вақтида шакллантириш ва уни белгиланган ресурсларда эълон қилишни назарда тутувчи **ички идоравий ҳужжатларнинг намуналари** ишлаб чиқилди ҳамда **методик ёрдам** кўрсатиш ва тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Очиқлик индексини ҳисоблаш натижаларига кўра, **“яшил”** тоифадаги ташкилотлар ижобий тажрибасини оммалаштириш, **“сарик”** тоифадаги ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, **“қизил”** тоифадаги ташкилотларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижросини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати ва Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЧИҚЛИК БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ҚАРАТИЛГАН  
ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ-2023

ТАШКИЛОТЛАР		БАЛЛ	
1.	Статистика агентлиги	88,3	▼
2.	“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ	86,8	▲
3.	Марказий банк	86,4	*
4.	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш қўмитаси	86,2	▲
5.	“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ	84,7	▲
6.	Хоразм вилояти ҳокимлиги	84,3	▲
7.	АТ “Халқ банки”	83,8	▲
8.	Солиқ қўмитаси	82,6	▲
9.	Рақамли технологиялар вазирлиги	82,4	▲
10.	«Ўзсувтаъминот» АЖ	81,0	▲
11.	Божхона қўмитаси	80,7	▼
12.	Инновацион ривожланиш агентлиги	80,1	▲
13.	«Ўзархив» агентлиги	80,0	*
14.	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги	78,9	*
15.	«Агробанк» АТБ	78,7	▲
16.	«Туронбанк» АТБ	78,1	▲
17.	«Ўзсаноатқурилиш» АТБ	78,1	▲
18.	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	77,5	▲
19.	«Ўзагролизинг» АЖ	76,0	▲
20.	«Худудгазтаъминот» АЖ	75,8	▲
21.	Навоий вилояти ҳокимлиги	75,6	▲
22.	«Микрокредитбанк» АТБ	75,2	▲
23.	«Ўзбекнефтгаз» АЖ	75,1	▲
24.	«Ўзкимёсаноат» АЖ	73,5	▲
25.	Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги	73,2	*
26.	“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ	71,8	▲
27.	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	71,7	▲
28.	Сув ҳўжалиги вазирлиги	71,5	▲
29.	Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги	71,4	▼
30.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	71,3	▲
31.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ	71,1	▲

71 БАЛЛДАН 100 БАЛЛГАЧА БЎЛГАНДА — «ЯШИЛ»

▲ ▼ 2022 ЙИЛГА НИСБАТАН ҲСИШ ҲКИ ПАСАЙИШИ

\* РЕЙТИНГГА ЯНГИ ҚўШИЛГАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЧИҚЛИК БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ҚАРАТИЛГАН  
ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ-2023

ТАШКИЛОТЛАР		БАЛЛ
1	Адлия вазирлиги	70,2 ▼
2	Ёшлар ишлари агентлиги	70,1 ▲
3	Автомобиль йўллари қўмитаси	70,0 ▲
4	Тошкент вилояти ҳокимлиги	69,1 ▼
5	«Ўзбекгидроэнерго» АЖ	68,7 ▲
6	"Иссиқлик электр станциялари" АЖ	68,5 ▼
7	Давлат активларини бошқариш агентлиги	68,3 ▼
8	«Ўзавтосаноат» АЖ	68,2 ▲
9	«Ўзтрансгаз» АЖ	67,9 ▲
10	Кадастр агентлиги	67,7 ▼
11	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	67,4 ▼
12	Бухоро вилояти ҳокимлиги	67,1 ▲
13	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги	66,7 *
14	Жиззах вилояти ҳокимлиги	66,3 ▼
15	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	66,1 ▼
16	Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	65,4 ▲
17	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	65,0 ▼
18	«Ўзбекқўмир» АЖ	64,7 ▲
19	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	64,4 ▼
20	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	64,2 ▼
21	"Ўзбекистан Аирпортс" АЖ	63,3 ▲
22	Самарқанд вилояти ҳокимлиги	63,1 ▲
23	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги	62,6 *
24	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	62,5 ▲
25	«Ўзмиллийбанк» АЖ	62,5 ▲
26	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси	61,8 ▲
27	Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси	61,7 *
28	Ўрмон хўжалиги агентлиги	59,5 ▼
29	«Асакабанк» АЖ	58,2 ▼
30	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	58,1 ▲
31	Фарғона вилояти ҳокимлиги	57,6 ▼
32	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	57,4 ▲
33	Сирдарё вилояти ҳокимлиги	57,4 ▲
34	Бош прокуратура	57,3 *
35	Транспорт вазирлиги	57,1 ▼
36	АТ «Алоқабанк»	56,6 ▲
37	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги	56,1 ▼
38	Дин ишлари бўйича қўмита	56,1 ▲
39	"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ	55,7 ▼
40	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	55,6 *
41	Маданият вазирлиги	55,4 ▼
42	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси	55,3 *
43	Ички ишлар вазирлиги	55,2 ▼

55 БАЛЛДАН 71 БАЛЛГАЧА БЎЛГАНДА — «САРИҚ»

▲ ▼ 2022 йилга нисбатан ўсиш ёки пасайиш \* РЕЙТИНГГА ЯНГИ ҚЎШИЛГАНЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ОЧИҚЛИК БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШГА ҚАРАТИЛГАН  
ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ-2023

ТАШКИЛОТЛАР		БАЛЛ
1	Мактабгача таълим агентлиги	53,8 ▼
2	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	53,8 ▼
3	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги	53,7 ▼
4	Энергетика вазирлиги	53,4 ▼
5	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	53,3 ▼
6	Наманган вилояти ҳокимлиги	52,7 ▼
7	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	52,1 ▼
8	Судьялар олий кенгаши	50,5 *
9	Ташқи ишлар вазирлиги	50,2 ▼
10	Олий суд	50,1 *
11	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги	50,1 ▼
12	«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ	50,0 ▼
13	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	47,1 ▼
14	Спорт вазирлиги	47,0 ▼
15	Транспорт назорати инспекцияси	46,5 *
16	«Ўзбекистан Аирвайс» АЖ	45,9 ▼
17	Маданий мерос агентлиги	43,8 *
18	Мажбурий ижро бюроси	43,8 *
19	«Йўлқурилиш» АЖ	40,7 ▲
20	«Ўздонмахсулот» АК	40,7 ▲
21	Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти	39,7 *
22	«Ўзбектелеком» АК	38,9 *
23	Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси	34,4 *
24	«Пойтахтбанк» АЖ	33,1 ▲
25	«Ўзмахсусмонтажқурилиш» АК	27,9 ▼
26	Тоғ-коң, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси	27,8 *
27	Кинематография агентлиги	26,6 ▼
28	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	16,9 ▼
29	Андижон вилояти ҳокимлиги	12,0 ▼

55 БАЛЛДАН ПАСТ БЎЛГАНДА — «ҚИЗИЛ»



2022 йилга нисбатан ўсиш ёки пасайиши



\* РЕЙТИНГГА ЯНГИ ҚЎШИЛГАНЛАР

## 11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҶАСИДАГИ ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4951-сон қарорига асосан, **Ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси**ни аниқлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилди.

Мазкур индекс доирасида **2023 йил якунлари** бўйича **Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги** ва **Ҳокимият институтларининг шаффофлиги** индикатор кўрсаткичлари аниқланди.

Маълумот учун: Ҳуқуқ устуворлиги индекси **7 та** индикатордан ташкил топган бўлиб, ундаги кўрсаткичлар статистик маълумотлар ва ижтимоий сўровнома натижалари бўйича аниқланади.

**1. Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги** бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичи **73 балл бўлса**, ушбу йўналишда энг яхши кўрсаткич **Қорақалпоғистон Республикасида** қайд этилди (**81 балл**) ҳамда энг паст кўрсаткич **Фарғона вилоятида (61 балл)** эканлиги аниқланди.

### Коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлиги РЕЙТИНГИ

Ўрин	Ҳудуд номи	Балл
1	Қорақалпоғистон Республикаси	81
2	Навоий вилояти	77
3	Сурхондарё вилояти	77
4	Жиззах вилояти	76
	Андижон вилояти	75
5-7	Қашқадарё вилояти	75
	Тошкент вилояти	75
8-9	Сирдарё вилояти	74
	Бухоро вилояти	74
10-11	Хоразм вилояти	70
	Тошкент шаҳри	70
12	Наманган вилояти	69
13	Самарқанд вилояти	66
14	Фарғона вилояти	61

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Индекс доирасида ўтказилган сўровномада қатнашган **20 мингдан ортиқ** респондентнинг **59,9 фоизи** маҳаллий ҳокимликлар ва ижро органлари мансабдор шахсларига “**пора бериш кўзланган мақсадга етишга ёрдам беради**” деган фикрда эканлигини билдиришди.

Ҳудудларда давлат харидлари ва тендер савдоларида коррупция ҳолатлари бўйича **4,1 мингдан ортиқ** тадбиркор ўртасида ўтказилган сўровларда **24,6 фоизи** давлат харидлари ва тендер савдоларида **коррупцияга дуч келишганини** маълум қилишган.

2. Ҳокимият институтларининг шаффофлиги йўналиши **4 та** индикатор, **13 та** субиндикаторга асосан, шунингдек **20,6 минг нафар** аҳоли, **420 та** нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари ҳамда **420 та** журналист ўртасидаги сўровлар натижалари бўйича аниқланди.

Ҳокимият институтларининг шаффофлиги бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичи **64 балл** бўлиб, ушбу йўналишда энг яхши кўрсаткич **Сурхондарё вилояти**да қайд этилди (**72,5 балл**) ҳамда қўйи кўрсаткич **Фарғона вилояти**да (**66,3 балл**) эканлиги аниқланди.

**Ҳокимият институтларининг шаффофлиги  
РЕЙТИНГИ**

Ўрин	Ҳудуд	Балл
1	Сурхондарё вилояти	72,5 балл
2	Жиззах вилояти	71,7 балл
3	Хоразм вилояти	71,1 балл
4-5	Қорақалпоғистон Республикаси	70,9 балл
	Навоий вилояти	70,9 балл
6	Қашқадарё вилояти	69,8 балл
7	Сирдарё вилояти	69,3 балл
8	Тошкент вилояти	69 балл
9	Андижон вилояти	68,8 балл
10	Наманган вилояти	68,5 балл
11	Тошкент шаҳри	68,3 балл
12	Бухоро вилояти	67,8 балл
13	Самарқанд вилояти	66,5 балл
14	Фарғона вилояти	66,3 балл

ОАВ вакиллари томонидан маҳаллий ижро органларидан ахборот олиш бўйича сўровларда иштирок этган **журналистларнинг 52,8 фоизи ўз вақтида ва тўлиқ жавоб** олаётганлиги, **47,2 фоизи** эса жавоб олишда **муаммоларга** (тўлиқ эмас, кечикиш, бермаслик) **дуч келишганини** таъкидлашган.

Фуқароларнинг ахборот олиш бўйича сўровларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали келиб тушган шундай мурожаатлар таҳлили бўйича **355 минг** дан ортиқ фуқаролар ўзларига тааллуқли ахборотларни олиш бўйича мурожаат қилганда, уларнинг **0,86 фоизи** (3 минг) ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги аниқланган. Яъни, мурожаат қилган ҳар 1 минг нафар фуқаронинг **9 тасида** ахборотни **ўз вақтида олиш ҳуқуқи бузилган**.



### Халқаро рейтинг ва индекслар

Коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли барча рейтинг ва индексларда ўтган йилгиларга қараганда Ўзбекистон ўрни яхшиланиб бормокда.

1. “**Transparency International**” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан **2023 йил** якунлари бўйича **Коррупцияни қабул қилиш индексида** мамлакатимиз ўрни **5 поғонага** кўтарилиб, **180 та** давлат орасида **33 балл** билан **121-ўринни** эгаллади (2022 йилда 31 балл билан 126-ўрин), сўнгги олти йилга солиштирганда эса – **37 поғона** юқорилади.

Мазкур индексда мамлакатимиз кўрсаткичлари Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида **ижобий томонга ўзгарган 5 та** (Грузия, Молдова, Украина, Косово) **давлатдан бири** бўлгани алоҳида таъкидланди.

Маълумот учун: Туркия – 14 поғона (115-ўрин), Россия – 4 поғона (141-ўрин), Қирғизистон 1 поғона (141-ўрин), Эрон – 2 поғона (149-ўрин), Тожикистон – 12 поғона (162-ўрин) ҳамда Туркменистон 3 поғона (170-ўрин) пасайган.





TRANSPARENCY  
INTERNATIONAL

### “Коррупцияни қабул қилиш индекси” (+5 нуғона)

№	“Коррупцияни қабул қилиш” индекси манбалари	100 баллдан (2023/2022)
1	Bertelsmann Foundation Transformation Index трансформация индекси	29/29
2	Economist Intelligence Unit ташкилотининг Мамлакатлар рейтинги	20/20
3	Freedom House ташкилотининг “Ўтишдаги мамлакатлар” рейтинги	24/24
4	Global Insight ташкилотининг “Бизнес муҳити ва хавф кўрсаткичлари” ҳисоботи	35/35
5	CPIA - world Bank “Мамлакатлар сиёсий ва институционал баҳолаш” ҳисоботи	35/35
6	World Justice Project ташкилотининг “ҳуқуқ устуворлиги индекси”	37/37
7	“Демократия турлари (V-Dem)” лойиҳаси	19/25 (-6)
8	Давлат хатарлари халқаро баҳоси (PRS International Country Risk Guide)	48/41 (+7)
9	Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum EOS)	49



World Justice  
Project

### “Ҳуқуқ устуворлиги индекси” (+2 нуғона)

2. “World Justice Project” ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги (Rule of law) индексида Ўзбекистон **142 та** давлат орасида **50 балл** тўплаб **78-ўринни** эгаллади. Мамлакат ўтган йилги рейтингда худди шу ўринни эгаллаган, лекин унда 140 та давлат баҳоланган шунинг ҳисобига бу йилги рейтингда Ўзбекистон ўрни **+ 2** га яхшиланганлиги қайд этилган.

Маълумот учун: 2023 йилги индексга икки давлат Қувайт (52-ўрин) ва Черногория (57-ўрин) қўшилган.

Ҳуқуқ устуворлиги индекси 8 та индикатор (ҳукумат ваколатларининг чекланганлиги, коррупциянинг мавжуд эмаслиги, ҳукумат очиқлиги, фундаментал ҳуқуқлар, тартиб ва хавфсизлик, қонунларга риоя қилиш, фуқаролик одил судлови ва жиноий одил судлов) ва 44 та субиндикатордан иборат.

2016 йилдан буён дунёда ҳуқуқ устуворлиги заифлашаётган тенденция даврида, Ўзбекистон **(8,9 фоиз)** қонун устуворлигини **энг кўп мустаҳкамлаётган** давлатлар сифатида қайд этилган.

Мазкур индексдаги **коррупциянинг мавжуд эмаслиги** ва **ҳукумат очиқлиги** индикаторларида **ўсишга** эришилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

**Хусусан, Коррупция мавжуд эмаслиги** индикаторида **47 балл** билан **66-ўринни** эгаллаб, 2022 йилга нисбатан **+ 2 ўринга юқорилади.**

Ушбу индикатор доирасида **4 та** соҳа ижро ҳоқимияти, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва қонун чиқарувчи органлар мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришда мансаб мавқеидан фойдаланиб **пора олиши**, давлат маблағларини **ўзлаштириши**, улар фаолиятига **ноқонуний аралаш** ва **ташқи таъсирнинг** мавжудлигига баҳо берилади.

Рейтинга кўра, Ўзбекистонда **қонун чиқарувчи органлар** мансабдор шахслари фаолиятида коррупция **“кам тарқалган”** деб баҳоланган (142 та давлат орасида 23-ўрин).

**Ҳукумат очиқлиги** индикаторида эса **37 балл** билан **119-ўринни** эгаллаб, 2022 йилга нисбатан **+ 5 ўринга юқорилади.**

Ушбу индикатор **4 та** субиндикатор (қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг эълон қилиниши, маълумотларни олиш ҳуқуқи, фуқароларнинг иштироки ва шикоят қилиш механизмининг мавжудлиги) орқали баҳоланади.

Ушбу субиндикаторлардан давлат органлари фаолияти устидан **шикоят қилиш** механизмларининг яратилганлиги нисбатан **яхши** баҳоланган (86-ўрин).



**THE WORLD BANK Жаҳон Бошқарув сифати  
индикаторлари (WGI) (+15 поғона)**

Жаҳон Бошқарув сифати индикаторларининг коррупцияни назорат қилиш йўналишида Ўзбекистон -0,81 балл билан 213 та давлат орасида 161-ўринни эгаллаган (2021 йилда -1,05 балл билан 176 ўрин).

Маълумот учун: Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари Жаҳон банки томонидан 200 дан ортиқ мамлакатлар учун 6 йўналишида юритиладиган рейтинг ҳисобланади.

Аҳоли фикирини инобатга олиш ва ҳисобдорлик		Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмининг мавжуд эмаслиги		Ҳукумат самарадорлиги		Тартибга солиш сифати		Ҳуқуқ устуворлиги		Коррупцияни тийиб туриш	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
-1,40 (+0,13) (+0,13)	182 (+12)	-0,24 (+0,19)	130 (+19)	-0,20 (+0,33)	116 (+22)	-0,58 (+0,40)	144 (+33)	-0,89 (+0,19)	168 (+13)	-0,81 (+0,24)	161 (+15)





### “Trace Matrix” порахўрлик матрицаси (+1 поғона)

“Trace bribery risk matrix” порахўрлик матрицасида Ўзбекистон 2023 йилда 58 балл билан (1 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий) 194 та давлат ичида 130-ўринни эгаллади (2022 йилда 58 балл билан 131-ўрин).

Маълумот учун: “Trace bribery risk matrix” етакчи фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Готенбург университети қошидаги V-Dem институти ва Жаҳон иқтисодий форумидан олинган тегишли маълумотларни жамлаган ҳолда 194 дан ортиқ мамлакатларда бизнес юритиш давомида порахўрлик хавф-хатарларини баҳоловчи индекс ҳисобланади.



### “Open data inventory” рейтинг (+15 поғона)

Мазкур рейтингда Ўзбекистон 2022 йил натижаларига кўра **70 балл** билан **195** та давлат ичида **30-ўрин**ни эгаллаб, 2020 йилга нисбатан **15 поғона** яхшиланди. (2020 йилда **63 балл** билан **45-ўрин**).

Марказий Осиёда эса Ўзбекистон 1-ўринни эгаллади, хусусан, Қозоғистон **51-ўрин**, Қирғизистон **92-ўрин**, Тожикистон **126-ўрин**.

Маълумот учун: Open data watch халқаро ташкилоти томонидан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан эълон қилиб бориладиган очиқ маълумотларнинг сифати ва халқаро стандартларга мос равишда эълон қилинишини ҳар 2 йилда баҳолаб боради.

#### Экспертлар халқаро рейтингларда Ўзбекистон ўрнининг яхшиланаётганлигини қуйидагилар билан изоҳлашган:

коррупциянинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, коррупцияга қарши курашувчи алоҳида агентлик ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ташкил этилгани;

соҳада қонунчилик такомиллашиб бораётганлиги;

аксилкоррупциявий тартиб-таомилларнинг ишлаб чиқилгани;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш чоралари кўрилатганлиги;

давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча тартиб-таомиллар қисқартирилганлиги ва электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматларининг кўлами ошаётганлиги.



## 12. ЖАМИЯТДА КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда энг самарали воситалардан бири бу – кенг аҳоли вакилларида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳисобланади.

Ушбу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилди.

### 1. Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари

“Ёшларда коррупцияга қарши мурасасизлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини тизимли ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси” мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилди.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда асосий **4 та** йўналиш, яъни ташкилий-амалий, тарғибот-ташвиқот, халқаро ҳамкорлик ва комплекс профилактик тадбирлар ўтказилиши белгилаб олинди.

Унинг ижроси натижасида **9,4 мингдан** ортиқ маҳаллаларда **280 минг нафардан ортиқ** ёшлар иштирокида **6 минг 371 марта** тренинг машғулотлари ўтказилди.

Агентлик, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда тайёрланган **“Аксилкоррупция алифбоси”** номли комиксли флаерлар аҳоли яшаш манзилларига тарқатилиб, соҳага доир **32 та** туркум видеороликлар туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларидаги мониторларга жойлаштирилди.

**“Коррупцияга йўқ дейлик”** ва **“Ёшлар-коррупцияга қарши”** шiorлари остида акция ва флешмоблар, **“Коррупция ва коррупциявий ҳолатлар ҳақида ёшларимиз қандай фикрда?”** номли сўровномалар, меҳнат ярмаркалари, **“Биз ёшлар одам савдосига қаршимиз”** шiorи остида расмлар танлови, Баркамол авлод болалар мактабида иншолар танлови, аҳоли ва ёшлар иштирокида **“Аксилкоррупция мулоқоти”**, спортнинг **“Street Workout”**, **“Футбол”**, **“Енгил атлетика”** турлари бўйича мусобақалар ташкил қилинди.

**YouthLed** лойиҳаси доирасида барча Олий таълим муассасаларининг **1-3 босқич талабалари** ва соҳага қизиққан ўқитувчи-профессорлар учун **6 та** онлайн семинар-тренинг ташкил этилди ва **минг нафардан** ортиқ талаба ёшларнинг соҳага оид билим ва кўникмалари оширилди.

Тошкент давлат юридик университети ҳузурида **“Anticorruption and compliance”** илмий тўғараги доирасида тизимли равишда тренинг ва давра суҳбатларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. “Ёшлар-коррупцияга қарши” ҳафталиги доирасида мавзуга оид видеоролик, расмлар ва деворий газеталар тайёрланди, “Тенгдош-тенгдошга” принципи асосида ахборот стендини тайёрлаш танлови ўтказилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда **7 та** олий таълим муассасалари талабаларидан иборат жамоалар ўртасида **“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш механизми 2-босқич обзори”** деб номланган конференция ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларни ва янги авлоднинг онги ва қалбини **“ҳалоллик вакцинаси”** билан эмлаш керак, деган устувор вазифаларини амалга ошириш мақсадида, Жамоат хавфсизлиги университетига “Жиноят ҳуқуқи билимдони” кўрик-танлови ўтказилди. Мазкур кўрик-танлов миллий ва трансмиллий даражадаги жиноятларни ўрганиш, ушбу жиноятларнинг оқибатларига кўра квалификация қилиш, шунингдек, ушбу турдаги жиноятларни назарий ва амалий таҳлил қилиш мақсадида ташкил этилди.

## 2. Аксилкоррупция ойлиги доирасида ўтказилган тадбирлар

“9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”га бағишланган Аксилкоррупция ойлиги доирасида **500 дан ортиқ** тадбирлар ташкил этилди.



**100** дан ортиқ ташкилотда Очиқ эшиклар куни



**30** дан ортиқ олий таълим муассасасида талабалар ўртасида танловлар



**2** та республика ва халқаро даражадаги форум



**20** дан ортиқ семинар-тренинг ва мулоқот

Агентлик ҳамда UNICEF ташкилоти ҳамкорлигида “Сизнинг олий таълим муассасангизда коррупция борми?” мавзусида талабалар, ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналарининг олий таълим муассасаларидаги коррупция ҳақидаги фикрларини ўрганиш мақсадида сўров ўтказилди.

Коррупцияга қарши ва уни олдини олишга қаратилган ижтимоий реклама видео-роликлар Тошкент шаҳри ва вилоят марказларининг аҳоли гавжум қисмларида жойлаштирилди.

### 3. Самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида амалга оширилган ишлар

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса нодавлат нотижорат ташкилотларини фаоллигини ошириш бўйича ташкилий-амалий жиҳатдан кўмак кўрсатилди ва коррупцияга қарши курашишда уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган **10 га яқин** семинар-тренинг тадбирларида **500 дан ортиқ** нодавлат сектор, ОАВлар вакиллари, журналист, блогерлар ва бошқа шахсларнинг соҳага оид билим ва кўникмалари оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон журналистлари ва блогерларининг коррупция масалаларига оид журналист суриштирувини ўтказиш бўйича салоҳиятини ошириш” мавзусида республика ҳудудларидан ташриф буюрган журналист ва блогерлар учун тренинглар бўлиб ўтди;
- “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти, “Pioneer” коррупцияни ўрганиш бўйича тадқиқот институти (АҚШ) ҳамкорлигида коррупцияга қарши курашиш йўналишида журналистларнинг малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида **“Коррупция ва коррупция билан боғлиқ жиноятларни ёритишда журналистик суриштирувларнинг роли”** мавзусида ва давлат идоралари ҳамда ташкилотларининг матбуот котиблари учун АҚШнинг “Boston Globe” муҳаррири иштирокида тренинглар ташкил этилди.

Ўтказилган семинар ва тренинглар натижасида ННТларнинг коррупцияга қарши курашиш жараёнида иштироки кенгайтирилиб, уларнинг ташаббуси билан бир қатор амалий мулоқот, жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди.

2023 йилдан бошлаб илк марта ҳудудлардаги ННТлар учун грант ва ижтимоий буюртмалар эълон қилиниб, улар томонидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Хусусан, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудларида жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари 5 та мавзуда 267 млн сўмлик грант танловларини амалга оширди.

Бундан ташқари, “Юксалиш” ҳаракатининг Агентлик ҳамда “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда амалга ошираётган **“Аксилкоррупция лабораторияси”** лойиҳаси давом эттирилиб, 2023 йилда **“Акушерлик хизматларини кўрсатишда ноҳалоллик ва коррупция хавфлари”** ва **“Олий таълим талабалари билимларини баҳолашда ҳалолликка хавфлар”** мавзусидаги тадқиқот олиб борилди.

Тадқиқотга республикамизнинг 7 та ҳудудидаги (Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Қашқадарё, Навоий вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) 21 та туғруқхона қамраб олинди. Ўрганиш доирасида 400 га яқин респондент иштирокида ижтимоий сўровлар ва интервьюлар ташкил қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

Дастлабки натижалар коррупциявий хавфи омиллари, биринчи навбатда, давлат туғруқхоналари учун бюджет маблағлари ва жиҳозларнинг етишмаслиги, бюджет маблағларининг марказий ва маҳаллий туғруқхоналар ўртасида тенг тақсимланмаслиги билан боғлиқлигини ва кўпчилик тиббиёт ходимларида ортиқча иш юкламаси борлигини кўрсатди.

Олий таълим соҳасидаги тадқиқотга республикамизнинг 14 та шаҳридаги 16 та олий таълим муассасалари қамраб олиниб, 500 га яқин респондент иштирокида ижтимоий сўровлар ва интервьюлар ташкил қилинди.

Ушбу тадқиқот билан олий таълим муассасаларида талабаларга баҳо қўйишда коррупция хавфи омилларини ва уларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, соҳадаги мавжуд ахборот тизимлари мукамал ишлаб чиқилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиш чоралари ҳақида хабардорлик тўлақонли эмаслиги, тизимдаги айрим тартиблар ўз самарасини йўқотганлиги каби коррупция хавфи омиллари мавжудлигини кўрсатди.

**“III Тошкент Аксилкоррупция Форуми”** доирасида **“Нодавлат нотижорат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги жамоатчилик назорати шакллари”** мавзусида интерактив сессия ташкил этилди. Унда ННТларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва роли хорижий амалиёт ва тажриба, халқаро ва маҳаллий ННТлар ушбу йўналишда амалга оширган ишлари, эришган натижалари, юзага келган муаммолар борасида ўзаро фикр алмашишди.

Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан **“Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг ижро этилиши мавжуд муаммо ва режалар”** тўғрисида ҳамда Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси натижалари** бўйича жамоатчилик эшитувлари ташкил этилди.

Шунингдек, Жамоатчилик кенгаши томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали regulation.gov.uz платформасининг маҳаллий ҳокимлар қарорларининг очиқланишига оид талабга жавоб бериш ҳолати ўрганилди ва таҳлилий маълумот тайёрланди. Бундан ташқари, кенг жамоатчилик орасида муҳокамаларга сабаб бўлган шифокорларни рағбатлантириш масаласи ҳам кенгаш томонидан ўрганилди ва бу бўйича Кенгаш муносабати ва таклифлари ОАВда эълон қилинди.

Агентлик ҳузурида Экспертлар гуруҳи фаолияти йўлга қўйилиб, улар томонидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030-йилгача мўлжалланган Миллий стратегия, “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури каби **10 га яқин** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан экспертлик фикр-мулоҳаза ва таклифлар берилиб, шу орқали мазкур ҳужжатлар такомиллаштирилди.

## 13. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲАМДА УЛАРНИНГ ҲАМДА УЛАРНИНГ

### 1. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши фаолияти

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг 2023 йил давомида **3 мартаба** йиғилишлари ташкил этилиб, йиғилиш натижалари бўйича Иш-режа, чора-тадбирлар режалари тизимли равишда ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

Миллий кенгаш томонидан мамлакатда коррупциянинг олдини олиш ҳамда соҳалар ва ҳудудлар миқёсида превентив чораларни кучайтириш, **“коррупциясиз соҳа”** лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган иш режалари қабул қилиниб, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланмоқда.

Кенгаш йиғилишларида фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ролини оширишга қаратилган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари аъзолари малакасини оширишга қаратилган семинарлар ўтказиш режа-жадвали, коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

#### Миллий кенгаш томонидан қўрилган амалий чора-тадбирлар натижасида:



ННТларга ажратилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги ва ННТлар томонидан бажарилган ишларнинг ҳисоботларини эълон қилиб бориш бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритилди;



ҳудуддаги ННТлар учун жамоат фонди томонидан эълон қилинадиган давлат грантлари ажратиш учун танловларда мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзуларни киритиб бориш амалиёти йўлга қўйилди;



нодавлат нотижорат ташкилотлари учун тизимли равишда семинарлар ташкил этилди;



кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи маҳаллий давлат органларининг ҳисобот ва ахборотлари эшитилди;



давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини мониторинг қилиш ва улар фаоллигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;



ҳудудий кенгашлар учун 10 дан ортиқ семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, Миллий кенгаш йиғилишларида Сув хўжалиги, Энергетика вазирлиги, Сурхондарё, Андижон, Навоий вилоят ҳокимлиги масъулларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижалари тўғрисида ахборотлари эшитилди.

Ахборотларда соҳада йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Миллий кенгаш томонидан соҳага оид ҳужжатлар, давлат дастурлари, чора-тадбирлар ижроси тизимли равишда мониторинг қилиб борилди ва бу бўйича тегишли тавсия, таклифлар тақдим этиб борилди.

## 2. Коррупцияга қарши ҳудудий кенгашлар

2023 йил давомида Ҳудудий кенгашлар томонидан ўз фаолиятини ёритиш, коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фуқаролик жамияти институти вакиллари фаол жалб қилиш йўналишларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Йил давомида ҳудудларда тарғибот тадбирларини ташкил этиш мақсадида Ҳудудий кенгашлар томонидан **50 дан ортиқ** видеороликлар мунтазам равишда намойиш этиб борилди. Ҳудудларда **702 та** нуқтада тарғибот баннерлар жойлаштирилди, **20 минг** нусхадан ортиқ флаерлар тайёрланиб, тарқатилди.

Ҳудудий кенгашлар фаолиятига бағишланган **800 дан ортиқ** кўрсатувлар тайёрланиб ОАВда намойиш этилди.

2023 йилда кенгашлар томонидан **1 минг 300 дан ортиқ** давра суҳбати, семинар, тренинг, йиғилиш шаклидаги тадбирлар ташкил этилиб, уларда **50 минг нафарга яқин** иштирокчилар қамраб олинди.

Ҳудудларда танлов, акция сингари интерактив шаклдаги **120 дан ортиқ** тадбирлар ўтказилиб, уларда **13 минг** нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди.

Ҳудудий кенгашлар томонидан матбуот анжумани, брифинг, пресс-тур каби ОАВ вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот шаклларида самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, 2023 йилда **56 та** матбуот анжумани, **56 та** брифинг, **61 та** пресс-турлар ташкил этилди.

Шунингдек, Фарғона ва Хоразм вилоят ҳудудий кенгашлари томонидан кенгаш фаолиятини ёритиб бориш мақсадида алоҳида веб-сайтлар ташкил этилди (<https://faranticor.uz/>, <https://xorazm-anticorruption.uz/>)

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун очиқлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, қонунчиликдаги бўшлиқлар ёки коррупцияга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш каби мавзуларга оид **11 мартаба** масофавий семинар машғулоти ташкил этилди.

### Худудий кенгашлар томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари:



1 минг 271 мартаба  
веб-сайт орқали;



617 марта худудий  
телеканалларда;



464 марта газеталарда;



600 марта радиоларда;



91 марта республика  
телевидениесига;



2,5 мингдан ортиқ ижтимоий  
тармоқлар (фейсбук, телеграм,  
инстаграм) да ёритилди.

Миллий кенгаш аъзолари иштирокида худудларга **10 дан ортиқ** хизмат сафарлар амалга оширилди ва Худудий кенгашлар фаолияти танқидий руҳда кўриб чиқилиб, натижалари бўйича фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Бухоро вилояти коррупцияга қарши курашиш худудий кенгаши йиғилишида вилоятда коррупциянинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати, худудий кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти, коррупцияга қарши курашиш ва очиқликни таъминлаш борасидаги рейтинглардаги натижалари муҳокама қилинди.

**Шунингдек**, Андижон, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларига ташриф буюрилиб, Худудий кенгашнинг иш юритиш шакли, ҳужжатлари ўрганилди ва фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 2023 йилда содир этилган коррупциявий жиноятлар ва уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати танқидий кўриб чиқилиб, натижалари бўйича худудда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган иш режалари тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Умуман олганда, 2023 йилда Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашларининг фуқаролик жамияти институти вакиллари билан ишлаш, тарғибот-ташвиқот, турли акция, флешмоблар ташкил этиш, ёшлар билан ишлаш масалаларида ўсиш кузатилди.



## ХУЛОСА

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида коррупцияни олдини олишнинг норматив-ҳуқуқий, ташкилий-амалий ва институционал асослари яратилиб, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат шаклланмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

**1** Коррупцияга қарши курашишда биринчи навбатда давлат органи ёки ташкилот раҳбари шахсий намуна кўрсатиб, коррупцияга қарши курашишда ташаббускор бўлишни тақозо этмоқда.

Масалан, мажбурий ташиқил этилиши лозим бўлган ички назорат тузилмалари фаолиятининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, коррупцияга қарши курашиши ишларининг самарадорлиги рейтингда **14 фоиз**, Очиқлик индексида **30 фоиз** давлат органи ва ташкилотларининг **“қониқарсиз”** натижа қайд этганлиги каби омиллар бевосита ташкилот раҳбарининг ташаббусига боғлиқ.

**2** Давлат харидлари соҳасида рақобат усулларини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, шартномаларни ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтказмаслик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳамда аффилиланганлик ҳолатлари давлат харидлари соҳасида қонунбузилиши ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги бўйича 2021 йилда 147 та, 2022 йилда 662 та ва 2023 йилда 1 минг 184 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар (МЖтКнинг 175<sup>8</sup>-м) содир этилган.

**3** Аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ажратилаётган маблағлар миқдори ва кўлами доимий ошиб бораётган бўлсада, ушбу маблағларнинг мақсадсиз ишлатилиши ва талон-торож қилинишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, ҳудудларда “Темир”, “Аёллар”, “Ёшлар” ва “Меҳр” дафтарларида ҳисобда турган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга маблағларнинг мақсадли ва манзилли сарфланиши ўрганилганда 12 402 та ҳолатда жами **82,9 млрд** сўмлик (шундан 5 минг 423 та ҳолатда 23,5 млрд сўми жорий топшириқ доирасидаги ўрганишларда) хато ва камчиликлар аниқланган.

Ўтказилган ўрганишларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган **387 та** материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

**4** Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш, давлат фуқаролик хизматчисининг даромадлари ҳамда мол-мулкни декларация қилиш тизими жорий этилмаганлиги коррупциянинг олдини олишдаги ислохотлар самарадорлигига таъсир қилмоқда.

Юқоридаги омилларни бартараф этишда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириб, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчиликни ушбу иллатга қарши кураш олиб боришда кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали жалб этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва ҳудудий кенгаш аъзолари коррупцияга қарши курашувчи органлар ўртасида ҳамкорликни самарали ташкил этиш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этади.

## ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиснинг қарор ҳамда топшириқлари ижросини, шунингдек халқаро ташкилотлар томонидан берилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилишини таъминлаш мақсадида, қуйидагилар таклиф этилади:

**1** Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий йўналишини белгилаб берувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030-йилгача мўлжалланган **Миллий стратегиясини** қабул қилиш;

**2** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024-йилларга мўлжалланган давлат дастури (30 та банддан иборат) ижросини самарали ташкил этиш;

**3** “Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот” билан тақдирлаш маросими доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларни амалиётга жорий этиш чораларини кўриш. Хусусан:

коррупция ҳолатлари бўйича **“дастлабки ўрганиш”** – коррупцион суриштирув институтини жорий этиш;

Коррупция муаммолари бўйича **минтақавий тадқиқот маркази**ни ташкил этиш;

коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда “коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш ва коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда **“коррупциясиз соҳа офиси”** лойиҳаларини ишга тушириш;

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш бўйича **“Ситуацион марказ”**ни ташкил этиш.

**4** Очиқ эълон қилиниши лозим бўлган **ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар** кўламини янада кенгайтириш;

**5** Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида, ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш;

**6** Давлат харидлари тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

- 7 Коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш;
- 8 Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар ва ижтимоий буюртмалар сони ва ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш;
- 9 Халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари томонидан эълон қилинадиган давлат грантлари ажратиш учун танловларда мунтазам равишда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги мавзулар киритиш;
- 10 Иختисослашган илмий тадқиқот муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашишнинг энг долзарб масалалари бўйича комплекс социологик, илмий ва амалий тадқиқотларни тизимли равишда ташкил этиб бориш;
- 11 Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Тошкент давлат юридик университети **Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси** (GRACE) дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш;
- 12 Давлат ташкилотлари ва идоралари, ҳокимликлар ҳузурида Жамоатчилик кенгашларини белгиланган талаблар доирасида ташкил этиш ва қайта шакллантириш;
- 13 Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида билимларини оширишга мўлжалланган виртуал академия платформасини ишга тушириш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА  
МИЛЛИЙ МАЪРУЗА**  
**Ахборот таҳлилий маълумот.**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024.-70 б.

**ЛОЙИҲА РАҲБАРИ:**

**А. Бурханов**

**ТУЗУВЧИЛАР:**

**У. Тухташева, И. Абдуллаев, Ж. Бешимов, Б. Бурханиддинов,  
А.Эргашев, Ф. Бойтўраев, О. Абдуғаниев, М.Мўминова, Ш. Сапаров, Ф.Зайниддинов.**

“Print Media” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

© Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, 2024 й.

**Биз билан боғланиш**

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

100070, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 8А, (71) 202-04-02 (431).





